

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида

Абдурахманов Сардор Иброхимович

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Мутахассислик: 5230100 – “Иқтисодиёт”

Бакалавр академик даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар:
К.ўк. С.Искандаров**

Наманган-2015 йил

МУНДАРИЖА

Кириш		3
1-боб	Саноат корхоналарининг мазмун-моҳияти ва ривожлантиришнинг назарий асослари.....	7
1.1-§.	Саноат корхоналари ва уларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг назарий асослари.....	7
1.2-§.	Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари	18
1.3-§.	Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар.....	33
2- боб	“Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг иқтисодийда тутган ўрнини баҳолаш.....	38
2.1-§.	“Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	38
2.2-§.	“Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг иқтисодий таҳлили.....	44
3- боб	Иқтисодийни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарини ривожлантиришни йўллари.....	51
3.1-§.	Саноат корхоналарини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий механизмлари.....	51
3.2-§.	Иқтисодийни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарни ривожлантириш истиқболлари.....	57
	Хулоса ва таклифлар.....	66
	Фойдаланилган адабиётлар.....	69
	Интернет маълумотлар.....	73

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга оширилиши бозор муносабатлари барқарор ривожланиб бормоқда. Мулк шаклларида қатъий назар барча корхона (фирма) ларни бозорда мустақкам ўрин эгаллаши, айниқса, жаҳон бозорига чиқиши, унда рақобатбардош маҳсулотлари билан иштирок этиши молиявий-иқтисодий томондан рағбатлантирилиб борилиши ҳозирги кунда сиёсат даражасига кўтарилмоқда.

Бу борада Президентимиз И.Каримовнинг “Саноатнинг енгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларида ишчиларнинг энг кўп сони илгариги 100 кишидан 200 кишигача оширилгани кичик бизнесни рағбатлантириш борасидаги чоратadbирлар тизимидаги муҳим қарор бўлди”¹ –деб таъкидлаб ўтдилар.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларининг сақланиб қолиниши, танланган мустақил тараққиёт йўлимизда аввалам бор етакчи тармоқларни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг нечоғлиқ тўғри эканлигидан далолат беради. Бунинг натижасида аҳоли турмуш фаровонлиги ортиб, миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсишда давом этмоқда.

Жумладан, 2012 йил якунларига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган

¹“2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. №11., 17.01.2015 й.

маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди². Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб боришига замин яратмоқда.

Ҳозирги даврда миллий иқтисодиёт жаҳон бозорига дадил кириб бориб, тобора халқаро интеграциялашуви ва глобаллашуви кучаймоқда. Айни пайтда биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгиланишида, авваламбор иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация этиш жараёнларини изчил давом эттириш керакки, бу масала жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, иқтисодиётни диверсификациялаш, биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим ҳисобланган саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этиб, бугунги кунда ушбу масала ниҳоятда долзарб бўлганлигидан битирув малакавий иши мавзусини ҳам долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.Мамлакатимизда ва хорижий мамлакатлардаги етакчи иқтисодчи олимлар мазкур масала бўйича қатор тадқиқотларни амалга оширганлар. Жумладан, иқтисодчи олимлардан И.А. Каримов, В.Чжен, С.Ғуломов, М.Шарифхўжаев, В.Шепелев, М.Расулов, Т.Шарифулина, Ш.Кармишева, Э.Махмудов, Ш.Зайнитдинов, П.Турсунхожаев, ва Д. Артиқовалар ушбу соҳа ривожини бўйича қатор илмий

²“2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”.Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. №11., 17.01.2015 й.

ишлар ҳамда маърузалар тайёрлаганлар. Бугунги кунда корхоналарни жаҳон бозорига кириб бориши бевосита сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан боғлиқлиги масаласи илмий жиҳатдан мунтазам ўрганиб боришни талаб этади. Муаммонинг ҳозирги вақтда долзарблигини инобатга олиб, уни битирув малакавий ишига мавзу сифатида қабул қилинди, қуйидаги мақсад ва вазифалар белгиланди.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ҳудудий саноат корхоналарини ўрнини батафсил ўрганиш, шунингдек, саноат корхоналарини самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш йўналишларини белгилаш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Ушбу мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- саноат корхоналари ва уларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг назарий асосларининг назарий жиҳатдан ўрганиш;
- саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ;
- “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиш;
- “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти фаолиятини иқтисодий таҳлилинини ўтказиш ва хулосалар чиқариш;
- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг объекти. “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти битирув малакавий ишининг объектини ташкил қилади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари қилиб мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг маъруза ва асарларида баён этилган ижтимоий-иқтисодий тараққиётни амалга ошириш бўйича илгари сурилган

фикр-мулоҳазалар ва асосий йўналишлар, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, иқтисодчи олимларнинг ушбу йўналишда амалга оширган илмий ишлари, хўжалик юритувчи субъектларда эришилган илғор тажрибалар олинди.

Битирув малакавий ишининг янгилиги. Битирув малакавий ишининг янгилигини белгиловчи жиҳатлар қуйидагилардир:

- мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ҳудудий саноат корхоналарининг ўрни асосланди;

- саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг ўзаро муносабатлари ўрганилди;

- “Попдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди;

- “Попдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти фаолиятини иқтисодий таҳлили амалга оширилди ва хулосалар чиқарилди;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Олинган натижаларидан Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётига, шунингдек, Наманган вилояти етакчи тармоқларига чет эл сармоясига асосланган қўшма корхоналар ташкил этишга оид дастурлар ишлаб чиқишда тавсия сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, талабаларга иқтисодий фанлардан маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда ёрдамчи материал тариқасида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг хажми ва тузилиши.

Битирув малакавий иши кириш, учта боб, еттита параграф, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-боб. САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

I.1. Саноат корхоналари ва уларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг назарий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши миллий иқтисодиётимизда миқдор ва сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти жамиятни демократлаштириш, иқтисодиёт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига киритишга йўналтирилган, бозор муносабатларига ўтишнинг мамлакатимиз учун махсус ишлаб чиқилган “Ўзбек модели” асосида ривожланиб бормоқда. Бу модел Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган иқтисодиётни ислоҳот қилишнинг бешта муҳум тамойилига асосланган ҳамда ҳўжалик фаолияти юритувчи субъектларнинг эркинлиги, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ҳимоя қилувчи зарурий қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган.

Иқтисодиётнинг ривожланиши учун талаб қилувчи ушбу вазифаларнинг амалга оширилишида саноат корхоналарига катта эътибор қаратилиб, улар иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш бўғини бўлиш билан бирга аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолига ҳизмат кўрсатиш орқали истеъмолчиларнинг талабларини ҳам қондирадилар.

Саноат корхоналарининг фаолияти миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқларига тўғридан – тўғри таъсир кўрсатади. Корхоналар қанчалик яхши, самарали ва рентабелли ишласа, бутун иқтисодиётнинг, жумладан, уларни ўзларининг ҳам кўрсаткичлари юқори бўлади. Бозор иқтисодиёти корхоналар фаолиятини эркинлаштиради, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлайди ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рентабеллигининг юқори кўрсаткичларига эришишга кенг имкониятлар яратади. Ўзбекистон саноати фан-техника тараққиёти, бошқаруви ва ташкил этилишининг такомиллашуви, кадрлар салоҳиятининг юқори даражага кўтарилиши ҳамда

хорижий инвестицияларнинг кўплаб жалб этилиши туфайли изчил ривожлана бошлади. Мустақиллик йилларида унинг тармоқ структураси тубдан ўзгарди ва натижада янгидан-янги тармоқлар юзага келди.

Жумладан, саноат тармоғининг барча тармоқлари қатори енгил ва озиқ-овқат саноатларида ҳам ривожланиш кузатиш мумкин. Умуман олганда, тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш таркибида оғир саноат салмоғининг ошиши енгил саноат улиши ҳисобига бўлмоқда. Натижада мустақил иқтисодга ҳос бўлган даражага яқинлашиш юз бермоқда ва қайта ихтисослашувдан пайдо бўладиган етишмовчилик ва тобеликнинг олдини олиш таминланмоқда.³

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва қўшимча қиймат яратувчи саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий стратегия Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини тараққий этишига яхши таъсир кўрсатмоқда. Мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, юқорида таъкидланганидек, бизнингча, саноат корхоналари миллий иқтисодиётни ривожланишида муҳим аҳамият касб этгани боис саноатнинг мазмун моҳияти ҳақида маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи тармоғидир. Саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиши ишчилар сонининг ошиши ва унинг жамиятдаги мавқеи кўтарилишига олиб келади. Мустақиллик даврида жамиятни тарихий жиҳатдан янгилашда ишчиларнинг авангардлик роли тўғрисида гап юритилар экан, фақат ишчилар синфигина меҳнаткашлар оммасининг бирлашувига, жипслашувига ва истиқлолни ҳимоя қилишга, мустаҳкамлашга ҳамда уни узил-кесил таъминлашга ёрдам бера олади, дейиш мумкин. Ана шу фикрни Ўзбекистон воқеълиги кун сайин тасдиқламоқда. Ўзбекистон ишчиси республика ялпи ижтимоий маҳсулотининг, миллий даромаднинг асосий қисмини бунёд этмоқда,

3. Ш.Ш. Шодмонов. “Иқтисодиёт назарияси” Тошкент. Фан ва техника, 2005-йил.

мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юқори даражага кўтаришда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ишчилари қиёфасида ҳам барча ривожланган мамлакатлар ишчиларидагидек, онгли индустриал меҳнаткашнинг ва инсонлар муносабатининг юксак нормалари ҳамда умуминсоний тамойилларини, қадриятларини қарор топтирувчи, янги ҳаёт учун илғор курашчи ҳислатлари бир бутун бўлиб мужассамлашган.

Саноат тараққиётининг муҳим қонуниятларидан бири саноат ходимларининг маданий-техникавий, маънавий-маърифий даражасининг ўсиши, ишлаб чиқариш малакаси ва тажрибасининг тинмай ошиб боришидир. Ўзбекистон меҳнаткашларининг билим ва кўникмаси, ишлаб чиқариш малакаси ҳамда маҳорати, маданий ва маърифий савиясини юқори даражага кўтариш бўйича амалга оширилаётган ишларда ҳам саноатнинг юқори ўрин тутишини кўриш мумкин.

Шунингдек, саноат мамлакат мудофаа қобилиятининг моддий базаси, эл-юртда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муҳим омили, кўшни мамлакатлар мустақиллигини, ҳамкорлиги ҳамда бирдамлигини таъминловчи муҳим соҳадир. Ўзбекистон давлати мудофаасини кафолатлашда саноатнинг роли бебаҳодир. Бундан кўринадики, саноат шундай тармоқки, барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатдан бирлашиши, яъни иқтисодий интеграция тавсифида ўз ифодасини топади. Натижада барча мамлакатларнинг табиий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан, фан-техниканинг барча ютуқларидан оқилона фойдалиниш имкониятлари юзага келади.

Бундан ташқари, оғир саноат бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни идустрлаштириш муаммоларини ҳал этиш калитидир. Шу сабабли жамиятнинг моддий-техника базасини қайтадан қуриш ишини ўзбек халқи Президент раҳбарлигида умуман саноат, хусусан, унинг энг муҳим соҳаларини ривожлантиришдан бошлади. Чунки бу соҳалар Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини янада

оширишнинг пойдевори бўлиб ҳисобланар эди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ишлаб чиқариш, меҳнат жараёни ёки бошқача қилиб айтганда, табиатдаги бор нарсаларнинг кўринишини ўзининг истеъмоли учун мувофиқ ҳолда келтириш учун қилинган меҳнат фаолиятдан иборатдир. Ана шу меҳнат шароитида кишилар, энг аввало, табиат билан, унинг кучлари ва ашёлари билан ҳамда бир – бирлари билан ўзаро маълум муносабатда бўладилар. Ишлаб чиқариш жараёнида бўладиган бу муносабатларнинг шакллари ва хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни билган ҳолда ишлаб чиқаришни онгли ташкил этиш олий мақсадга, яъни чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланган ҳолда кишиларнинг ўсиб боровчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эришишнинг бирдан-бир йўлидир.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз худудида бир неча юзлаб тармоқлар ва соҳаларда халқимизнинг истеъмоли ва ишлаб чиқаришнинг ўзи учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилади

Ишлаб чиқаришнинг энг йирик соҳалари саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, қурилиш, савдо, тайёрлов ташкилотлари, камунал ва уй-жой хўжаликлари турли хил техник ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларидан иборат. Ҳар бир мамлакат ўз тараққиётининг шу даврдаги босқичи учун зарур ва қулай бўлган тармоқлар таркибини вужудга келтиришга ҳаракат қилади. Бунда ресурслар чекланганлигини ҳисобга олиб ишлаб чиқарилишини ўстириш ва халқнинг талабини қондириш учун ўта зарур бўлган, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, чет эллар билан бўладиган ҳамкорликни юксалтиришга имкон берадиган тармоқларга алоҳида эътибор берилди.⁴

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмасдан туриб мамлакатимиз олдида турган муҳим масала мустақил иқтисодий тараққиётни

4. Ш.Ш. Шодмонов. “Иқтисодиёт назарияси” Тошкент. Фан ва технология, 2005-йил.

жадаллаштириш вазифасини амалга ошириб бўлмайди. Самарадорликнинг иқтисодий мазмуни сифатида ҳар доим ишлаб чиқаришнинг провард натижаси билан унга аванслашган ресурслар, маблағлар ёки қилинган ҳаражатлар ўртасидаги нисбат тушунилади.

Фан техника тараққиёти фан соҳасидаги ишлаб чиқариш куруллари, технология, бошқариш ва бошқа кўпгина ўзгаришларни ўз ичига олади. Ҳозирги даврда фан – техника тез суратлар билан тараққий этмоқда ва у илгариги техника тараққиётига қараганда бирламчи афзалликларга эгадир. Фан техника тараққиёти афзаллиги шундаки, илғор мамлакатларда фан янгиликлари тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилинади, бинобарин фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб боради .

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлати фан техника тараққиётига катта эътибор бериб, уни кескин жадаллаштиришни, техниканинг энг юқори унумдор ва самарадорликни таъминловчи янги туркумларни, принциал жиҳатдан янги технологияларни кенг жорий этиш вазифасини қўймоқда . Фан тараққиётининг натижаси ва унинг ишлаб чиқариш билан яқинлаштиришнинг муҳум белгиси такомиллашган, чидамли, унумли меҳнат куруллари ҳамда предметларини вужудга келтириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга янги унумли меҳнат куруллари ва сифатли меҳнат предметлари қанча кўп жалб қилинса, жонли меҳнат шунча кўп меҳнат воситаларини ҳаракатга келтиради ва кўп истеъмол қиймати яратади.

Давлатнинг инвестиция сиёсати ресурсларни фан техника тараққиётининг илғор соҳалари бўлган энгил саноат, тўқимачилик саноати, авиация, машинасозлик саноатини, информатика, электроника, атом энергетика, ишлаб чиқариш соҳаларини комплекс механизациялаш, автоматлаштириш, янги материалларни яратиш ва буларга ишлов бериш технологияси сингари муҳим йўналишларга жалб этишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам фан техника тараққиётининг эволюцион ва революцион шакллари фарқламоқ лозим. Фан техника тараққиётининг эволюцион

шаклда ривожланиши деганда, унинг мавжуд технологияси асосида, машиналар ва ускуналар қисман модернизациялаш асосида ривожланиши тушунилади.

Эволюцион шаклда ривожланиши деганда эса, фан техникаларнинг бир канча соҳаларида бирданига катта ўзгаришлар бўлиб, техниканинг энг сўнги янгиликларини, авлодларини ишлаб чиқаришда қўллаш, принциплар янги технологик тизимга ўтиш тушунилади. Фан техника тараққиётининг кейинги шаклида ривожланиши юксак самара беради. Шунинг учун соҳа иқтисодиётининг барча тармоқларини ҳозирги замон фан ва техникасининг энг янги ютуқлари билан қайта қуроллантириш лозимлиги долзарб масала бўлиб, бунинг учун аввалам бор техника тараққиётининг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларини янги, унумдор, арзон техника билан қуроллантирувчи машинасозликни ривожлантиришга эътиборни қаратмоқ мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда ишлаб чиқариш тармоқларини янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш жараёнининг жамият ҳар бир аъзосининг онглилиги ва мустақиллигини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш энг аввало ушбу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб боровчи жамият аъзолари дунёқарашини, тафаккурининг ўзгаришини, уларнинг демократик ва туб ислохот жараёнларидаги фаоллигини оширишга бевосита боғлиқдир.

Юқорида келтириб ўтилган жараёнларни изчиллик билан амалга ошириш ва Наманган вилояти саноат тармоғини ривожлантириш мақсадида, вилоятга ҳам ҳорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни кенг жалб этиш, уларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш, янгидан-янги, тўла қувват билан фаолиятини амалга оширадиган ва рақобатбардош маҳсулотлари билан жаҳон бозорларида ўз ўрнини эгаллай оладиган қўшма корхоналарни йилдан-йилга кўпайтиришга, маҳаллий хом

ашё ва ишчи кучларидан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда.

1.1-жадвал

Наманган вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари таҳлили

Т/№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йилнинг 2012 йилга нисбатан ўзгариши (-, +)
1	Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд.сўм	3822,2	4969,4	6073,3	2251,1
		%	110,0	111,2	115	116,2
2	Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	млрд.сўм	1307,7	2429,2	2877,1	1569,4
		%	107,0	108,1	108,5	109,6
3	Саноат	млрд.сўм	1448,5	1629,6	1965,0	516,5
		%	111,1	112,5	112,5	113,9
4	Хизматлар	млн.сўм	2323,4	2855,5	3770,5	1447,1
		%	111,7	122,9	122,0	133,2

Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Наманган вилоятида 2012 йилда 3 триллион 822 млрд. 229 млн. 400 минг сўм ҳисобида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 11,2 фоизга ошиб, 4 триллион 969 млрд. 429 млн. 900 минг сўмга етди. Ушбу кўрсаткич 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 16,2 фоизга ошиб, 6 триллион 73 млрд. 300 млн. сўмни ташкил этди. Бу борада саноат тармоқларининг ўзига яраша ҳиссаси бўлди. Жумладан, 2012 йилда вилоят саноат тармоқларида 2011 йилга нисбатан 11,1 фоиз ўсиб, 433 млрд. 183 млн. 100 минг сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич базис йилга нисбатан 12,5 фоизга ортиб 1 триллион 629 млрд. 558 млн. 900 минг сўмлик, 2014 йилда 1 триллион 965 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Наманган вилоятида ўзига ҳос иқлим шароитини мавжудлиги саноат тармоқлари учун хом ашё етказиб берувчи қишлоқ хўжалик тармоқларининг фаолиятида ҳам ижобий

натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этди. Бу борада биргина 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 8,1 фоизга ошиб, 2 триллион 429 млрд. 177 млн. 400 минг сўмлик, 2014 йилда эса 2 ериллион 877 млрд. 100 млн. сўмлик ялпи кишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришга эришилди.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайтириб борилиши, узоқ муддатли инвестициявий қарзларнинг ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши Ўзбекистондаги Инкирозга қарши чоралар дастурида етакчи ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2009 йилнинг 12 мартида тасдиқланган дастур доирасидаги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ташкилотлар, икки томонлама шартномалар ва етакчи хорижий компанияларнинг кредитлари ва инвестицияларни жалб этиш кўзда тутилган эди. Ҳозирги кунда умумий қиймати 19 миллиард доллардан ортиқроқ бўлган 80 дан зиёд лойиҳаларни инвестициялаш ва молиялаш бўйича аниқ манбалар белгиланиб, хорижий шериклар билан шартномалар имзоланди.


Умуман айтганда, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланиши асосида чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос хусусиятлар тўла ҳисобга олинган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам.

Ушбу дастурнинг изчил амалга ошириб келиниши паст технологияли ва самарасиз иқтисодий тузилманинг диверсификациялашган, жаҳон бозорига рақобатбардош, кенг даражада хилма-хил тайёр маҳсулотлар билан чиқаётган, узлуксиз юқори суръатлардаги иқтисодий юксалишга мойил, жиддий расмий омиллар ва бенуқсон кредит тарихига эга бўлган замонавий иқтисодиётга айланишини таъминлайди.

Мамлакатда қудратли иқтисодий ва илмий-техник салоҳият яратилганлиги, иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг такомиллашиб бораётганлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни тақазо этади. Шу ўринда республикамиз

Президентининг “Ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичидаги иккинчи энг муҳим вазифа–ишлаб чиқариш қуввати пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, ҳам корхоналарнинг, ҳам тармоқларнинг, ҳам давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришишдан иборат”⁵,- деган фикрларини келтириш жоиздир. Буни ишлаб чиқариш тармоғининг, жумладан, саноат ишлаб чиқариш тармоғининг иқтисодий ривожланишида ҳам кўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш биринчи навбатда фан-техника тараққиётига боғлиқ. Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш самардорлигини оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ундан куйидаги 1.2-расмда келтирилган йўллар билан фойдаланиш мумкин.



Манба: Муаллиф ишланмаси

1.2-расм. Ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш йўллари

Корхонада ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш учун фан техника тараққиётининг ҳозирги вақтдаги зарур бўлган йўналишларини излаш ва


⁵Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998 й. 332-бет.

аниқлаш, ишлаб чиқаришда зарур бўлган йўналишлардан самарали тарзда фойдаланиш, корхонани ривож учун зарур бўлган пул мабағларини ва бошқа зарур бўлган ресурсларни излаб топиш ва уларни жалб қилиш, ҳамкорлар билан илмий-техникавий йўлларда мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш лозим.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва иқтисодийни барқарорлаштириш, саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш масалаларини юзага чиқарди. Ушбу тармоқ корхоналарида жуда катта иқтисодий салоҳият бўлганлиги ҳолда, кейинги пайтларда, улардан самарали тарзда фойдаланиш йўлга қўйилади. Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқурлашиб бораётган бир шароитда иқтисодийнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш билан боғлиқ ишларнинг аҳволи ўзига жиддий эътибор қаратишни талаб қилади.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш ва бу вазифа авваламбор иқтисодийнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Бу ўринда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш лозим. Бу ўз навбатида, мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Шунга кўра, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантириш бу орқали худудлар иқтисодийтини айниқса, мамлакат иқтисодийти тараққиётини таъминлаш ва шу асосида жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини тезлаштириш учун бир қатор йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир(1.3-расм).



Манба: Муаллиф ишланмаси

1.3-расм. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришнинг яна бир устувор йўналишларидан бири - ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан модернизация қилиш ҳамда меҳнатни ижтимоий ташкил этишнинг энг олий тури – концентрациянинг юқори даражаси билан кичик бизнес ва тадбиркорликни уйғунлаштириш асосида ижтимоий ишлаб чиқаришни уюштиришнинг илғор усуллари-ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш ҳам саноат соҳасида ҳукмронлик қилади ва яхши самаралар беради.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминловчи буюк ҳаракатлантирувчи куч – бу рақобат, яъни беллашув, рақиблар кураши ҳам саноат соҳасида ривож топади. Илғор техника ва технологиялардан фойдаланиш, материалларнинг янги турларини яратиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришдаги маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини юқори даражага кўтариш, ишлаб чиқаришнинг бошқа бир қатор техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш асосида унинг самарадорлигини кўтариш учун ҳаракат ва бошқа меҳнат анъаналари ҳам аввало, саноат соҳасида вужудга келди ва келмоқда.

Мустақилликнинг афзалликлари ва Давлатнинг иқтисодий сиёсати саноатнинг етакчи ўрнини янада оширмоқда. Ислоҳотларнинг асосий

йўналишлари ва уларнинг ечимини топиш даставвал саноат соҳасида амалга оширилмоқда ва яхши самара бермоқда.

Бу борада модернизация қилиш ва янгилаш жараёнларини жадаллаштириш учун корхоналарнинг ўз маблағлари ва жалб қилинаётган маблағлар ҳисобидан йўналтирилаётган сармояларни уч йилга даромад солиғидан, ўрнатилган ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган янги ускуналарни эса мулк солиғидан озод қилиш бу масалага ижобий таъсир ўтказмоқда.

1.2. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда.

“Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олинishi муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади”. Ишлаб чиқариш корхоналарининг самарадорлик фаолияти техника базасининг ўсиши ва ишлаб чиқариш жараёнининг боришини ташкил этиш даражаси ҳамда маҳсулот яратилиши билан аниқланади. Корхоналарнинг асосий фаолиятини ишлаб чиқариш жараёнининг бориши ташкил этади.

Унинг асосий вазифаси истеъмол қийматини яратишдир. Масалан, казиб олиш саноатида - минерал хомашёларни ва ёқилғини казиб олиш, қайта ишлаш саноатида – хом ашёни қайта ишлаш натижасида маҳсулотни истеъмол қилиш учун тайёрланади. Ишлаб чиқариш жараёни комплекс жараён бўлиб, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган технологик ва меҳнат жараёнларини ўз ичига олади. Технологик жараён - бу, меҳнат буюмлари ўзгаришининг натижаси бўлиб, табиий жараёнларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ҳолда жонли меҳнат иштирок этмайди, лекин бу жараён маълум даражада кишилар назорати остида олиб борилади.

Меҳнат жараёни - бу, жисмоний ва ақлий энергиянинг сарфланши бўлиб, истеъмол яратишга қаратилгандир. Ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси технологик режимга амал қилинишига ва шароитларнинг йиғиндисига боғлиқ (жараённи олиб бориш учун технологик режим талаблари йиғиндиси: хомашё ва материалларнинг таркиби, меъёрдаги босим ва бошқа ишлаб чиқариш омиллари бўлиши шарт).

Ҳозирги замон корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун, ишлаб чиқариш ва меҳнат воситаларидан ташқари моддий шароит (ишлаб чиқариш биноси, ёритиш қурилмалари, омборлар ва х.к.) амал қилади. Бу шароитлар бўлмаса жараённинг юз бериши ё мутлақо мумкин эмас ёки фақат такомиллашмаган бир тусдагина юз беради.

Ҳозирги замон ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёни ички тузилиши жихатдан бир хил эмас: у мустақил жараёнлардан ташкил топган бўлиб, турли шаклларга ва ўзига хос хусусиятга эга. Бу айрим мустақил жараёнлар, одатда, асосий ва ёрдамчи жараёнларга бўлинади. Шунингдек, ҳар қандай асосий жараённи ҳам таркибий қисмларга бўлиш мумкин (маҳсулотларнинг айрим қисмларини тайёрлаш жараёни паралел ва кетма-кет олиб борилади). Бундай қисмлар асосий маҳсулотни тайёрлаш босқичи дейилади (ҳар қайси босқич технологик жихатдан алоҳида ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисмини ташкил этади). Ишлаб чиқариш жараёнининг босқичи бир-биридан қўлланиладиган технологик усуллар,

усуқуналарнинг характери ва ходимларнинг ихтисослашини билан фарк қилинади. Масалан, машинасозлик корхоналарининг асосий жараёни учта босқичдан иборат: тайёрлаш, қайта ишлаш ва йиғув. Босқичлар айрим операциялардан ташкил топади. Операция ўзгармас ишлаб чиқариш қуроллари, меҳнат предметлари ва иш жойида амалга оширилади.

Буюмларнинг шакли ёки меҳнат буюмларининг кимёвий таркиби бир неча ўринларда ишчилар назорати остида ўзгаришига операция дейилади. Операция ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисмидир. Материалларни қайта ишлашда ва операцияларни вақт бўйича бажаришда, тайёрлашда олдинги ҳамда кейинги операциялар сони ва сифати билан боғланади.

Операциялар иш ҳаракатлари иш усулларига бўлинади. Иш усуллари - бу, иш ҳаракатнинг берк жараёни бўлиб, бир ишловчи тамом қилган элементидан иборат. Ҳар қайси иш усулини бажариш учун, бажарувчи маълум даражада меҳнат ҳаракатини амалга оширади (маълум детални олиш, бураш, тортиш ва ҳоказолар меҳнат ҳаракати иш усулининг бир қисми бўлиб, ишчининг бирор буюмга таъсири ёки ишчининг буюм билан ёхуд буюмсиз бир жойга силжиши тушунилади).

Ишлаб чиқариш жараёнини бўлишдан мақсад иш кучини рационал жойлаштириш, малакали ишчиларга бўлган талабни аниқлаш, улар ишининг аниқҳисобини олиб бориш, яъни меҳнат унумдорлигининг ўсишини, резервларини аниқлашдан иборат. Ишлаб чиқариш жараёнларининг элементларга бўлиниши ишлаб чиқариш жараёнининг тузилмасини ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш жараёни саноат маҳсулотини таёрлашдаги ролига қараб, асосий, ёрдамчи ва хизмат қилувчи жараёнларга бўлинади. Меҳнат буюмларининг асосий маҳсулотга айлантирилиши асосий жараён деб аталади. Бундай жараёнларга машинасозлик заводларида қуйидагилар киради: тайёрлов босқичида - чўянни авранкаларда эритиш, деталлар қуйиш учун қум қолипларни тайёрлаш; ишлов берадиган босқичда - у механизмга асосланган ёки иссиқлик йўли билан деталларга ўзига хос хусусият, ўлчов ва

сиртки томонга сифатли ишлов бериш; пайвандлашда - деталларни бир тугунга йиғиш ёки тамомланган буюмлар машина ва уларнинг қисмларини ва комплект буюмларни (подшипник, электромотор, асбоблар) йиғиш.

Ёрдамчи жараёнлар ишлаб чиқариш учун хизмат қилади ва маҳсулот ишлаб чиқариш асосий жараёнини узлуксиз таъминлайди. Буларга қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш асбоб-ускуна билан таъминлаш (штамплар, моделлар тайёрлаш ва уларни таъмирлаш, чархлар ва тиклаш), таъмир бўйича хизмат қилиш (ускуналарни таъмирлаш, модернизация ва турли хил ускуналарга жорий хизмат қилиш), турли хил энергия (электр энергия, буғ, ва х.к.) лар билан ишлаб чиқариш учун хизмат қилиш.

Хизмат қилиш жараёнига корхоналарнинг моддий-техника таъминоти, тайёр маҳсулотни сотиш, транспорт билан хизмат қилиш киради ва ҳоказолар.


Меҳнат курулларига таъсир қилишнинг усул ва характериға қараб асосий ва ёрдамчи жараёнлар: қўл билан, машина билан, автоматлаштирилган ва аппарат билан бажариладиган жараёнларға бўлинади. Қўл билан бажариладиган жараён асосан меҳнат предметлари шаклининг ўзгаришиға қаратилган бўлади.

Машина ва қўл ёрдами билан бажариладиган жараёнға фақат машина билан бажариладиган иш элементларига эмас, балки қўл меҳнати билан бажариладиган иш ҳам киради. Масалан, деталларни қўл билан олиб туриш усулида станокда ишлов бериш. Машина ва механизмлар ёрдами билан бажариладиган жараёнда материалларнинг шакли, катта-кичиклиги, кўриниши, ҳолати ўзгаради ва ишчиларнинг қатнашиши чегараланган бўлади.

Автоматлаштирилган жараёнлар ишчилар қатнашмаган ҳолда ёки фақат уларнинг кузатуви ёрдамида амалға оширилади. Аппаратли жараён физикавий, кимёвий ва иссиқлик жараёнларига алоқадор бўлиб, бу махсус агрегатларда технологик жараёнларнинг бажарилиши билан тавсифланади.

Ишлаб чиқариш жараёнлари вақт бўйича давом этиш хусусиятларига қараб, такрорланиб турадиган ва узлуксизларга бўлинади. Такрорланиб турадиган жараёнларда бошланғич хомашё ва материаллар ускуналар ёрдамида узлуксиз равишда қайта ишланади ва натижада тайёр маҳсулотга айлантирилади. Ҳар қандай саноат корхоналарида ва цехларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жараёни асосида жонли меҳнат предметлари ва меҳнат воситаларидан вақт ҳамда фазода рационал равишда фойдаланилади. Бу эса ускуналар, хомашё, материаллар, ёқилғи, электр энергия ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланишда юқори самарадорликка эришишни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш жараёнини рационал ташкил қилиш ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг режали мутаносиб бўлишини таъминлайди (1.4-расм)



Манба: муаллиф ишланмаси

1.4-расм. Ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш тамойиллари

Бу тамойилларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат. Ихтисослаштириш тамойили. Ихтисослаштириш - бу, ижтимоий меҳнат тақсимотининг шакли бўлиб, саноат ишлаб чиқаришида режали равишда ривожланади ва саноат тармоқлари, корхона цехлари, участкалар, линиялар ва айрим иш жойларининг ажралишини шарт қилиб қўяди.

Мутаносиблик тамойили. Ишлаб чиқариш жараёнларининг мутаносиблик шунин билдирадики, бунда ҳамма ишлаб чиқариш бўлимлари (асосий ва ёрдамчи цехлар, бу цехлар ичидаги участка ва линиялар,

ускуналар гуруҳи ва иш жойи)нинг ишлаш қобилияти (вақт бирлига ичида меҳнат унумдорлигининг нисбати) бир-бирига ўзаро аниқ мос келади. Агар бу тамойилларга амал қилинмаса, диспропорциялар ва «тор жойлар» юзага келади, бу эса, ўз навбатида, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқарилишининг кўпайишига тўсқинлик қилади. Саноат корхоналарини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш асосида ҳам мутаносиблик тамойили ётади. Комплекс равишда механизация бўлмаса, диспропорция келиб чиқиши, сермеҳнат ишлаб чиқариш жараёнлари кўпайиши мумкин.

Параллеллик тамойили. Бу тамойилнинг моҳияти ишлаб чиқариш жараёнининг бир неча айрим қисмларини бир пайтда бажаришдан иборат, яъни маҳсулот тайёрлаш бўйича амалга ошириладиган иш кенг кўламда ташкил қилинади.

Бир текис, кетма-кет йўналиш тамойилини қўллаш ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилаётганда меҳнат предметлари ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳамма босқичларидан ва барча операцияларидан энг қисқа йўл билан ўтишини аниқлашга ёрдам беради (хомашё ва материалларнинг келиб тушишидан тортиб то тайёр маҳсулот бўшаб чиққунгача ва бу маҳсулотларини истеъмолчига етказиб бергунга қадар). Бир текис, кетма-кет йўналишга эришиш учун цех майдонида аппарат ва ускуналарни оқилона жойлаштириш лозим, бундан ташқари асосий ва ёрдамчи цехларни завод худудида тўғри жойлаштириш асосида хомашё ва материалларнинг қарши ҳаракатига ва қайтишига йўл қўймаслик керак.

Узлуксизлик тамойили деганда, ишлаб чиқариш жараёнида режасиз тўхташ, таваффуслар бўлмаслиги, яъни узлуксиз ишлаш тушунилади.

Бир меъёрийлик тамойили ўзаро боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш бўлимлари, бир хил ораликдаги иш вақтида берилган дастурга асосан бир хил ҳажмдаги ишнинг бажарилиши билан тавсифланади.

Автоматлашганлик тамойили. Бу тамойил ишлаб чиқариш жараёнларининг операцияларини максимал автоматик равишда, яъни ишчиларнинг бевосита қатнашмаслиги ёки уларнинг назорати остида

бажарилишини талаб этади. Ишлаб чиқариш жараёнининг айрим операцияларини юқори даражада автоматлаштириш ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаштиришнинг дастлабки асосий шарти бўлиб, автоматик паток линияларини яратишга қадар амалга оширилиши лозим. Бу тамойил фақат технологик жараёнларда қўлланилмай, балки уларни техникавий тайёрлаш, назорат қилиш, тартибга солиш, хизмат кўрсатиш каби ишларни бажаришда кенг қўлланилади.

Синхронлаш тамойили. Ишлаб чиқариш жараёнини синхронлаш фақат Узлуксиз ишлаб чиқариш ҳамда кўпроқ автоматик ишлаб чиқаришнинг характерли хусусиятидир. Ишлаб чиқариш жараёнини синхронлаш деганда қуйидагилар тушунилади:

- операцияларни бажаришга кетган вақт сарфи (оператив вақт) нинг тенг бўлиши;

- меҳнат буюмларини операциялараро ва линиялараро транспортировка қилиш учун кетган вақт сарфининг тенг бўлиши;

- иш жойига хизмат кўрсатиш ва ишчиларнинг дам олиши бўйича оператив ишлардаги танаффусларнинг тенглиги;

- меҳнат буюмларининг потокдаги ҳаракатини ташкил этиш пайтида операциялар тугаши билан уларнинг транспортировка қилишнинг бошланадиган вақтнинг бир-бирига мос келиши.

Ушбу тўрт шартдан ҳатто биттасига риоя қилинмаса ҳам ишлаб чиқариш жараёни озми-кўпми синхронлашмайди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг илғор шакллариغا ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинациялаш киради. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ижтимоий меҳнат тақсимотининг энг муҳим шаклларидан бири ҳисобланиб, у илмий-техник тараққиёт ва ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизими билан узвий боғлиқ. Корхоналараро ва улар ўртасидаги меҳнат тақсимотининг асосини меҳнат қуролларини ихтисослаштириш ташкил этади. Корхона ичидаги ихтисослаштириш цех ва

участкаларни айрим маҳсулот ишлаб чиқаришга ёки технологик жараённинг маълум босқичини бажаришга йўналтирилади.

Ихтисослаштириш маҳсулотни стандартлаш, меъёрийлаштириш ва деталларни унификациялашга асосланади, шунингдек, технологик жараёнлар механизациялаштирилади ва ихтисослашган ускуналардан кенг фойдаланилади. Машинасозлик заводлари ва уларнинг бўлимларини ихтисослаштириш даражаси асосан икки омилга: ишлаб чиқариш миқёси ва маҳсулотнинг меҳнат талаб қилишига боғлиқдир.

Саноат корхоналарида ихтисослаштиришнинг учта: буюмлар; технологик; деталлар бўйича ихтисослаштириш шакллари мавжуд. Цехлар, участкалар ва иш жойини технологик ихтисослаштириш натижасида уларнинг ҳар бири бир хил технологик операцияни ва бир хил ишни бажаради. Масалан, машинасозликда темирчилик, заготовклар қўядиган, механика, иссиқлик, пайвандлаш ва бошқа цех ҳамда участкалар, металлургия саноатида ташкил қилинади; тўқимачилик фабрикаларида йигирув, тўқув ва бошқаларнинг ташкил қилиниши технологик ихтисослаштиришга мисол бўла олади.

Ишлаб чиқариш кўлами ортиб борган сари корхона бўлимлари (цех, участкалар) да технологик ихтисослаштиришнинг чуқурлашуви вужудга келади: маҳсулотларнинг кўламига қараб (масалан, механика цехи йирик, ўрта ва майда); материаллар турига қараб ишлов бериш бўйича (масалан, пўлат, чўян ва чўзиладиган чўян); қуюв цехлари ва хоказо жараёнларнинг операциялари бўйича (токарлик, фрезерлик, силликлаш, пардозлаш). Технологик ихтисослаштириш шароитида унумдорлиги юқори бўлган техника ва технологиядан, шунингдек, илғор ишлаб чиқариш усулларида яхшироқ фойдаланишга эришилади.

Цех ва участкаларни буюмлар бўйича ихтисослаштиришда буларнинг ҳар бири технологик жихатдан ҳар хил бўлган операцияларни бир хилдаги детал ёки узеллар бўйича бажаради. Корхона бўлимларини буюмлар бўйича ихтисослаштириш шакли кўп жихатдан тор ихтисослашган заводлар учун

тавсифлидир (оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқаришларда). Бундай цехлар агрегатларнинг айрим деталлари ва қисмларини ишлаб чиқаришга мослашади. Цехларнинг буюмлар бўйича қурилиши қоида бўйича берк жараёнларга олиб келади, бундай цехларда ҳар хил босқичга тегишли ёки ишлаб бериш турига қараб жараёнлар дам-бадам бирга олиб борилади. Цехларнинг технологик ихтисолашган шаклига аста-секин бирмунча илғор бўлган буюмлар бўйича ихтисослашишга ўтиши машинасозлик корхоналарининг озирги шароитдаги бирдан-бир йўналишидир.

Буюмлар бўйича ихтисослаштириш қуйидагиларни назарда тутати: технологияни пухта ишлаб чиқиш, юқори унумли ускуналарни қўллаш, материаллардан фойдаланиш коэффициентларининг юқори бўлиши, меҳнат унумдорлигини ошириш, корхоналарнинг цех бўлимларидаги бошлиқлар ва аниқ ижрочилар жавобгарлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда илғор усуллардан кенг фойдаланиш. Буюмлар цехини ташкил қилиш икки шарт-шароитга асосланади: маҳсулотлар кўлами талайгина бўлса, оммавий ва сериялаб ишлаб чиқаришни ўстириш зарур; машинасозликда янги технологияни жорий қилиш, металлга ишлов беришда электр усулларида фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш.

Ишлаб чиқариш жараёнларининг буюмлар бўйича тузилишига завод-автомат мисол бўла олади. Масалан, алюминдан автомобил поршенларини ишлаб чиқарадиган завод-автомат битта агрегатда турли хил жараёнларни бирлаштиради. Буларга суюқ эритмани тайёрлаш, қуйиш, поршенларга иссиқлик ёрдамида ишлов бериш, механик ишлов беришнинг қаттиқлигини, поршенларнинг катта-кичиклиги бўйича саралаш ва жойлашни текшириш.

Деталлар бўйича ихтисослаштириш ишлаб чиқариш участкаларини қисман ихтисослашган ускуналар билан қуроллантириш натижасида хомашёларни тежаб-тергаб ишлатишни ва меҳнат унумдорлигига эришишни кўзда тутати. Заводларни деталлар бўйича ихтисослаштиришда фақат бир хил турдаги машиналарнинг бир хил номдаги ёки бир хилдаги деталлар

тайёрланади. Деталлар бўйича ихтисослаштириш стандартлашнинг кенг кўламдаги ривожланишини, детал ва қисмларнинг конструкциясини меъёрлаштириш ўзаро боғлилигини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир хил сифатли бўлишини кўзда тутди. Ихтисослаштиришнинг бу шакли кўпроқ машинасозлик ва енгил саноатда тарқалган, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари (металлургия, мебель, тикув, пояфзал саноатлари)да ҳам ривожланмоқда.

Деталлар бўйича ихтисослаштириш машинасозлик заводларида мада серияли ва доналаб ишлаб чиқаришда кенг тарқалган. Бундай ихтисослаштиришдан мақсад корхоналарни унификациялаш, деталлар гуруҳини техника жиҳатидан асослаш ва уларни тайёрлашни технологик, яъни гуруҳ йўли билан амалга оширишдан иборатдир. Кейинги вақтларда ихтисослаштиришнинг функционал шакли янада кўпроқ кўзга ташланадиган бўлди. У корхоналарда ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган ишларни бажаришга ихтисослашади, масалан, таъмир ишлари, юкларни ташиб олиб бори шва х.к.

Корхона цехларни ихтисослаштириш ишлаб чиқаришини кооперативлаштиришни ва бирон-бир маҳсулот тайёрлаш учун биргаликда иш олиб боришни тақозо қилади. Завод ичидаги кооперативлаштириш деганда, цех ва иш жойларининг биргалашиб маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиши тушунилади. Цех ва участкалар ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлиги техникавий тайёргарлик кўриш жараёнида аниқланади. Конструкторлик ва технологик тайёргарлик даврида завод ичидаги тайёр маҳсулотлар маршрути аниқланади. Шундай қилиб, завод ичидаги кооперативлаштириш белгиланган муҳлатда меҳнатни, материалларни кам сарфлаш натижасида режада кўрсатилган маҳсулотни комплекс ва сифатли тайёрлашни таъминлайди.

Ихтисослаштиришнинг мавжудларига мувофиқ кооперативлаштириш ҳам қуйидаги уч турга ажратилади:

- буюмлар бўйича кооперативлаштириш, бунда сўнги маҳсулотни комплектлаш учун айрим цехлар йиғув цехига тайёр агрегатлар етказиб беради;

- деталлар бўйича кооперативлаштириш, бунда цех айрим деталларни етказиб беради;

- технологик кооперативлаштиришда бир цех бошқаси учун ярим тайёр фабрикатлар етказиб беради ёки алоҳида операцияларни бажаради.


Ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш билан бир каторда комбинациялаш ҳам корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шаклларида бири хисоблавади.

Комбинациялашни қуйидагича таърифлаш мумкин: комбинациялаш саноатнинг турли тармоқларининг бир корхонага қўшилувидирким, бунда ушбу тармоқлар хомашёларни кетма-кет ишлаб берувчи тармоқлар ёки биринчисига нисбатан ёрдамчи рол ўйнавчи тармоқлар бўладилар (масалан, чиқиндиларни ёки бир нарсани ишлаганда чиққан нарсаларни ишга солиш, мол жойлаш учун керакли нарсалар ишлаб чиқариш ва х.к.).

Комбинациялаш, айниқса, кимёвий ва физикавий-кимёвий жараёнла билан хом ашёларни қайта ишлаш (кимё, металлургия, газ саноати ва х.к.) саноатларида ривожланган ва улар учун тавсифлидир. Комбинациялаш бу, турли саноат тармоқларида ишлаб чиқариладиган ҳар хил маҳсулотларни бир корхонада бирлаштириш демакдир.

Корхоналарда ихтисослаштиришнинг учта: буюмлар; технологик; деталлар бўйича ихтисослаштириш шакллари мавжуд. Цехлар, участкалар ва иш жойини технологик ихтисослаштириш натижасида уларнинг ҳар бири бир хил технологик операцияни ва бир хил ишни бажаради. Масалан, машинасозликда темирчилик, заготовклар қўядиган, механика, иссиқлик, пайвандлаш ва бошқа цех ҳамда участкалар, металлургия саноатида ташкил қилинади; тўқимачилик фабрикаларида йигирув, тўқув ва бошқаларнинг

ташқил қилиниши технологик ихтисослаштиришга мисол бўла олади(1.5-расм).



Манба: Муаллиф ишланмаси

1.5- расм. Ишлаб чиқаришда комбинациялаш шакли

Ишлаб чиқариш кўлами ва ихтисослаштириш даражаси турлича бўлганда, ускуналардан фойдаланиш шарти ҳар хил бўлади. Бир хилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқёси ускуналарни танлашга ва технологик асбоб-ускуналарнинг кимёвий хоссаларига таъсир этади. Айрим буюмларни тайёрлаш учун белгиланган юқори унумли ускуналар маҳсулотлари турлича бўлган ва тез-тез ўзгариб турадиган заводлар учун тўғри келмайди. Улар ишлаб чиқариш тузилмасни белгилайди ҳамда технологик жараён хусусиятини ва уларнинг қуролланганлигини, ишлаб чиқариш жараёнларини ва иш жойидаги меҳнатни ташқил қилиш шаклларини ҳамда бошқаришнинг аниқ усулларини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий даражаси кўп жихатдан ишлаб чиқариш турларига боғлиқдир. Саноат корхоналарининг иш тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни ташқил

қилишнинг асосий турлари доналаб, сериялаб ва оммавий ишлаб чиқаришдан иборат.

Доналаб маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар истеъмоли чегараланган буюмларни тайёрлаш учун ташкил этилади. Доналаб ишлаб чиқаришнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- тайёрланган маҳсулотнинг кўп хиллиги, улардан асосий қисмининг такрорланмаслиги, шунингдек, унча кўп бўлмаган миқдорда ишлаб чиқарилиши;

- иш жойларини технологик ихтисослаштириш, маълум детал ва операцияларни доимий равишда иш жойларига бириктириб қўйишнинг мумкин эмаслиги;

- универсал ускуна ва универсал йиғув асбоб-ускуналарнинг қўлланилиши;

- қўл билан йиғиладиган ва яқунловчи операциялар салмоғини катталиги;

- универсал ва юқори малакали ишчилардан кўп фойдаланиш;

- ишлаб чиқариш даврининг нисбатан узунлиги;

- ускуналарни тез-тез созлаш натижасида улардан фойдаланиш коэффициенти камлиги.

Маҳсулотни доналаб ишлаб чиқарадиган корхоналар самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги даражасини пастлиги, асосий ва ёрдамчи материалларнинг кўп сарф бўлиши, маҳсулотнинг таннархи юқори бўлиши билан бошқа корхоналардан фарқ қилади.

Серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Маҳсулотни сериялаб ишлаб чиқарувчи корхоналарда нисбатан кўпроққайтариладиган маҳсулот тайёрланади, лекин доналаб ишлаб чиқаришга қараганда маҳсулот номенклатураси бирмунча чегараланган бўлади. Сериялаб ишлаб чиқариш жараёнининг тузилиши хар бир янги серияда ўзгариши мумкин. Серия деганда, ишлаб чиқаришга бир вақтнинг ўзида ва кетма-кет тушириладиган конструктив бир хилдаги буюмларни бир нечтаси тушунилади.

Серияли ишлаб чиқаришда ҳар қайси ихтисослаштирилган участкада, биринчи навбатда, механика цехларида бир хилдаги гуруҳ. Деталларни ишлаб бериш таъминланади. Ишлаб бериш усуллари ихтисослаш технологик жараёнларни тезлаштиришга шароит яратади. Серияли ишлаб чиқаришнинг хусусияти цех ва бутун корхонани ташкил қилиш шаклига ҳамда бошқариш тизимига ва режалаштиришга таъсир қилади. Айрим корхоналарда ишлаб чиқариш участкалари асосий технологик белгиларга асосан ташкил қилинса, серияли ишлаб чиқаришда эса, улар буюмнинг технологик белгилари бўйича ташкил этилади.

Маҳсулот номенклатурасининг хилма-хиллиги ва ишлаб чиқаришнинг миқёсига қараб (яъни корхоналарни ихтисослаштириш даражасига қараб) серияли ишлаб чиқариш қуйидаги серияларга бўлинади:

а) майда серияли ишлаб чиқариш ўз хусусияти билан доналаб ишлаб чиқаришга яқин туради ва бунда маҳсулот бир хилда сериялаб, яъни бир неча доналаб, ўнлаб ёки юзлаб дона ишлаб чиқарилади;

б) ўртача серияли ишлаб чиқаришда маҳсулот ишлаб чиқариш сериялаб (ўнлаб, юзлаб номда) ишлаб чиқариладиган машиналар қувватининг катта-кичиклигига боғлиқ;

в) йирик серияли ишлаб чиқариш эса нисбатан оз номенклатурада кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш билан тавсифланади.

Серияли ишлаб чиқаришни ташкил қилиш қуйидаги асосий хусусиятлар билан тавсифланади:

-ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатурасининг кўплиги ва доимийлиги;

-ихтисослаштирилган иш жойига доимий равишда боғланган операцияларни бажариш;

-маҳсулотни сериялаб ишлаб чиқариш ва деталларни партиялаб, олдиндан белгиланган тартибда навбатма-навбат ишлаб чиқариш;

-ихтисослашган ва махсус ускуналар билан бирга универсал асбоб-ускуналар қўллаш;

-маҳсулот ишлаб чиқаришда кўп меҳнат талаб қиладиган ва қўл ёрдами билан бажарладиган ишнинг улушини камайтириш;

-ишлаб чиқариш жараёнининг нисбатан қисқариши (айрим ишлаб чиқаришга нисбатан).

Ишлаб чиқаришни оператив бошқаришни марказлаштириш. Серияли ишлаб чиқаришнинг у ёки бу турдаги кўринишини аниқлайдиган объектив кўрсаткич ускуналарнинг серияли юкланиш коэффиценти (К) ҳисобланади

$$(1.1) \quad K_{сер} = \frac{O_c}{Y_c}$$

Бу ерда: O_c - бир цехда ишаланадиган деталлар операциялари сони; Y_c - цехдаги ўнатилган ускуналар сони.

Амалда қуйидаги сериялаш коэффицентлари қўлланилади:

-майда сериялаб ишлаб чиқаришда 20-40;

-ўртача сериялаб ишлаб чиқаришда 5-20;

-йирик сериялаб ишлаб чиқаришда 3-5.

Ишлаб чиқаришнинг оммавий тури. Оммавий ишлаб чиқариш бир хилдаги маҳсулотни узлуксиз равишда узоқ давр давомида кўплаб такроран ишлаб чиқариш билан тавсифланади. Участка, линия, иш жойида ишлаб чиқариш жараёни қатъий равишда қайтарилади. Бундай корхоналар дам-бадам бир ёки икки хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

Ишлаб чиқаришнинг оммавий тури қуйидаги асосий хусусиятлари билан тавсифланади:

-маҳсулотни унча кўп бўлмаган номенклатурасини доимий равишда кўплаб ишлаб чиқариш;

-доимий равишда бириктирилган битта операцияни бажариш учун иш жойини ихтисослаштириш;

-маҳсус ускуналар ва юқори унумли анжомларнинг улушини маълум даражада кўпайтириш;

-механизациялашган ва автоматлашган жараёнларнинг улушини кўпайтириш ва қўл меҳнати билан бажариладиган ишни секин камайтириш;

-ишлаб чиқариш жараёнини қисқартириш (сериялаб ишлаб чиқаришга нисбатан);

-ишлаб чиқариш бошқариш функциясини марказлаштириш ва оператив режалаштириш.

Корхона ишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш кўп жihatдан ўзига хос хар хил турдаги ишлаб чиқариш билан аниқланади ва янада илғор технологияни жорий қилиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан белгиланади. Масалан, доналаб ишлаб чиқаришда корхоналарнинг махсус қайта қуролланишига кетадиган харажатларнинг таннархдаги улуши 1,5-2,5 ни, серияли турида 5-6,0% ни ва оммавийда эса 8-12% ни ташкил этади.

Корхоналарда қўлланиладиган ишлаб чиқаришнинг hozirgi замон усуллари қуйидаги кўринишларда бўлади: Узлуксиз (поток); партиялаб доналаб ишлаб чиқариш. Буларнинг бир-биридан фарқи иш жойини ихтисослаштириш даражаси, меҳнат буюмларининг иш жойидаги ҳаракат усули, цех ва участкаларнинг қурилиш усуллари, ритмлилиқ ва узлуксизлик даражаси билан белгиланади.

1.3. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар.

Зеро, миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имконият ва салоҳиятлари айнан иқтисодиёт турли даражалари ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқдир. Бироқ, шу билан бирга ишлаб чиқаришни модернизациялаш ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа

соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалар ўртасида жадал ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилиш лозим.

Шуўринда модернизациялаш жараёнининг жамият ҳар бир аъзосининг онглилиги ва мустақиллигини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини модернизациялаш энг аввало ушбу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб боровчи жамият аъзолари дунёқараши, тафаккурининг ўзгариши, уларнинг демократик ва туб ислоҳот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқдир.

Самарадорликни аниқлашда капитал унумдорлиги деган кўрсаткичдан ҳам фойдаланилади ва у ишлаб чиқаришда қатнашган капиталнинг ҳар бир-бирлиги эвазига олинган маҳсулот, даромад ёки фойда билан аниқланди.


$$Y = M / K; \quad (1.2)$$

$$KY = ЯД / K; \quad (1.3)$$

$$KY = \Phi / K. \quad (1.4)$$

Бу санаб ўтилган омиллар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир қиладиган асосий ва бутун иқтисодиётнинг барча соҳалари учун умумий омиллардир. Булардан ташқари аниқ олинган хўжаликларда, тармоқларда ва ҳудудларда самарадорликни оширишнинг шу жойининг шароитлари хусусиятидан келиб чиқадиган қанчадан - қанча омиллари, борки, уларни топиб ишга солиш ва фойдаланиш самарадорликни кескин оширишнинг кенг имкониятлари бўлиб ҳисобланади.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигига кўплаб омиллар таъсир кўрсатиб, улар 1.6-расмда кўрсатилганидек уч гуруҳга ажратилади.



Манба: Муаллиф ишланмаси

1.6-расм. Ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар

Булар ичида бозор муҳити омиллари корхоналар учун янги омиллар бўлиб, улар бозор муносабатлари асосида пайдо бўлган. Бозор муҳити омиллари республикамызда иқтисодий ислоҳотларни, чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичи ва келажак тараққиёт жараёнида асосий омиллар қаторидан жой олган. Шу жиҳатдан ҳам ушбу омиллар гуруҳи моҳиятини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Бозор муҳити омиллари – бу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳоҳиш ва истакларидан ташқарида объектив равишда мавжуд бўлган фаол кучлар бўлиб, маҳсулотларга нисбатан шаклланадиган бозордаги талаб ва таклифлар ўз таъсирини ўтказди, шунингдек, корхонанинг молиявий натижалари шаклланиши жараёнига ўзининг ижобий ва салбий таъсирини ўтказди.

Ушбу омиллар гуруҳи таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бозордаги рақобатчилар;
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида иштирок этувчи воситалар;
- саноат корхоналарининг бозордаги мижозлари;
- ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар, қонунлар;
- аҳолининг даромадлари даражаси ва миллий анъаналари.

Маҳсулот ҳажмини муттасил ошириш ва шу асосда халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим омил – меҳнат унумдорлигини бетўхтов оширишдир.

Меҳнат унумдорлиги - бу меҳнат харажатларининг самарадорлиги бўлиб, у вақт бирлигида ишчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги, ишлаб чиқаришга кетган иш вақти миқдори ва маҳсулот миқдорида ифодаланади, яъни меҳнат унумдорлиги маълум вақтда ишчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига тенг деб олинади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари кўп қирралидир. Булар ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш ва механизациялаштириш, янги машиналарни жорий қилиш, ишлаётган дастгоҳларни замонавийлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий тарзда ташкил этишни яхшилаш, иш вақтидаги йўқотишларни тугатиш, илғор ишлаб чиқариш тажрибаларидан фойдаланиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизимини тўғри ташкил қилиш ва ҳокозолардир.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш учун унга сарфланган жонли меҳнатнинг қийматини камайтириш керак, яъни ишлаб чиқаришда қатнашаётган ишчилар сонини камайтириш, уларнинг иш вақтидан оқилона фойдаланиш керак бўлади, яъни уларга эҳтиёж камаяди. Бу ўз навбатида маҳсулот таннархининг камайишига ва фойданинг эса ўсишига олиб келади. Шундай қилиб, меҳнат унумдорлигини ошириш манбалари хилма-хил бўлиб, улар миллионлаб ишчиларнинг фаол фаолияти билан бойиб боради. Уларни икки йўналиш бўйича гуруҳлаш мумкин.

Улардан бири – бу ишлаб чиқариш таркибини жадал ўзлаштириш, янги техника, технологияни жорий этиш, бошқаришни такомиллаштириш ва ихтисослаштиришни ривожлантириш ва бошқариш. Иккинчи йўналиш - бу бевосита меҳнат жамоалари, корхона меҳнаткашлари билан ва ҳар бир иш жойидаги кўринмайдиган имкониятларни қидиришидир.

Фан - техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг такомиллашуви меҳнат унумдорлиги ошишининг асосий шартларидир. Янги технологик

жараёнлар, материаллар ва автоматлаштириш воситаларининг жорий этилиши меҳнатни механизациялаш даражасининг ортишига олиб келади.

Меҳнат унумдорлигининг оширишнинг энг муҳим омилларидан бўлган ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш билан биргаликда, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва тизимини ўзгариши, тармоқ омиллари, ишловчиларнинг билим савияси, малакаси ва бошқалар ҳам катта таъсир кўрсатади.

Бу масала, ўз навбатида корхонанинг ички имкониятлари, резервларини қидириб топиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан амалга оширилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш резервлари бу - техника технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этишни яхшилаш ҳисобига меҳнат унумдорлигини оширишнинг барча омиллардан янада тўлароқ фойдаланиш имкониятидир:

Меҳнат унумдорлигини ошириш резервларнинг бир неча таснифлари мавжуд бўлиб, улар иккита катта гуруҳларга бўлинади:

- жонли меҳнатдан (меҳнат ресурсларидан) фойдаланишни яхшилаш резервлари;
- асосий ва айланма фондлардан янада самаралироқ фойдаланиш резервлари.

Биринчи гуруҳга, меҳнатни, меҳнат шароитларини ташкил этиш, ишловчиларнинг иш қобилиятларини ошириш, кадрлар таркиби ва уларни жой-жойига қўйиш, шунингдек, ходимларнинг меҳнат натижаларидан юқори моддий ва маънавий манфаатдорликларини оширишни таъминлаш билан боғлиқ масалалар киритилади. Иккинчи гуруҳ асосий ишлаб чиқариш фондлари қувватидан тўлиқ фойдаланиш резервларини, шунингдек хом-ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва айланма маблағлардан янада тежамли фойдаланишни ўзига олади.

Резервлар фойдаланиш имкониятлари бўйича захира резервларига ва нобуд бўлиш резервларига бўлинади. Масалан, асбоб-ускуналар қувватидан, иш сменаси қувватидан тўлиқ фойдаланмаслик, ўрганилган, лекин, ҳали ишлаб чиқаришга жорий этилмаган меҳнат усуллари-захира резервларидир.

Иш вақтининг бекор сарф бўлиши, яроқсиз (брак) маҳсулт ишлаб чиқарилиши кабилар эса нобуд бўлиш резервларига киради.

Резервлар фойдаланиш вақтига қараб жорий ва истиқбол резервларига ажратилади. Жорий резервлар технологик жараён сезиларли даражада ўзгартирилмай ва қўшимча капитал маблағлар сарфланмай амалга оширилади.

Истиқбол резервлари эса ишлаб чиқаришни қайта ташкил этишни, анча мураккаб асбоб-ускуналар ўрнатилишини, тайёргарлик ишларига капитал маблағлар ва кўпроқ вақт сарфланиши талаб қилади.

Ички ишлаб чиқариш резервлари, шунингдек, маҳсулотнинг сермехнатлилик даражасини пасайтириш резервларига ва жами иш вақтидан яхшироқ фойдаланиш резервларига бўлинади.

Маълумки, меҳнат унумдорлиги даражаси вақт бирлигига тўғри келадиган маҳсулот миқдори билан аниқланади. Агар меҳнат унумдорлиги иш вақтини кўпайтириш ҳисобига ортса, у ҳолда бу, унумдорликни оширишнинг экстенсив йўли бўлиб ҳисобланади; агар унумдорлик сермехнатлик даражасининг қисқартирилиши билан таъминланса, бу интенсив йўл ҳисобланади. Чунки, маҳсулот тайёрлашга сарф этиладиган харажатларнинг камайиши янги техникани жорий этиш, технологияни ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳисобига, ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш туфайли содир бўлади.

2-БОБ. “ПОПДОНМАҲСУЛОТЛАРИ”

АКЦИЯДОРЛИК

ЖАМИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИНИ БАҲОЛАШ

2.1. “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлили

“Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Поп тумани Поп темир йўл бекатида жойлашган. “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти Наманган вилояти

Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш бошқармасининг 1995 йил 1 мардаги № 36/0850- буйруғи билан давлат негизда ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги № 376-сонли, “Ўздонмахсулот” давлат акциядорлик корпорациясини “Ўздонмахсулотлари акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида”ги қарори, “Чустдонмахсулот” ва “Попдонмахсулот” акциядорлик жамиятларини қўшилиши муносабати билан вилоят давлат мулкани бошқариш бошқармаси томонидан 2003 йил 15 декабрдаги № 512-сонли буйруғини 2-банди қуйидагича таҳрирда баён этилди.

“Попдонмахсулот” устав фонди –50000,0 минг сўм; “Чустдонмахсулот” устав жамғармаси –15603,0минг сўм; Қўшган ҳолда умумий устав фонди – 65603,0 минг сўм; Акциялар сони – 65603 дона; Акцияларнинг номинал қиймати – 1000 сўм; Шундан имтиёзли акциялар 149 дона – 149 минг сўм;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПК –29 сонли, 2005 йил 31 майдаги ПК –90 сонли қарорларини ва Республика давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2005 йил 7 июндаги 59 к-ПО сонли буйруғини бажариш мақсадида 2005 йил 22 июн куни Наманган вилоят давлат мулкани бошқариш бошқармасининг 142/4 сонли буйруғи чиқди. 2005 йил 24 июн куни Поп туман ҳокимлигидан 499-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди. Жамият устав жамғармаси 99074 минг сўм бўлиб, 99074 дона акциядан ташкил топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 декабрдаги 316-сонли қарорига мувофиқ, жамият устав фондини 400 минг АҚШ доллари тўғрисидаги фармонини бажариб, акциялар улуши қуйидаги 2.1-жадвалда келтирилганидек тақсимланди.

“Попдонмахсулот” акциядорлик жамияти акцияларини тақсимланиши

Т/№	Жамият таъсисчилари	Улуши, %	Акциялар миқдори, дона	Акциялар қиймати, минг сўм
1	“Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси	52,79	343130	343130000
2	Мулк қўмитаси	40,03	260220	260220000
3	ХИФ ва бошқалар	7,18	46501	46501000
4	Иштиёкли акциялар	0,0	149	149000
Жами		100	650000	650000

Манба: “Попдонмахсулот” акциядорлик жамияти маълумотлари

Жамият асосан Поп ва Чуст туманидаги ширкат, фермер ва бошқа хўжаликларда дон қабул қилиб олиб, тайёрлаб қайта ишлаб икки турдаги олий ва биринчи навли ун ва омухта ем ҳамда нон маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Бошқа донни қайта ишлаш корхоналаридан келтирилган ун ва ёрма маҳсулотларни қабул қилиш ҳамда реализация қилишга ихтисослаштирилган.

Жамиятнинг 2014 йил 1 октябрь ҳолатига:

Айланма маблағлари – 3391935 минг сўм;

Дебиторлик қарзлари – 5444851 минг сўм;


Кредиторлик қарзлари – 7880954 минг сўм;

Корхона соф фойдаси – 45228 минг сўм;

Рентабеллик даражаси – 0,5 % ни ташкил этди.

“Попдонмахсулот” акциядорлик жамияти Поп туманидан 27900 тонна ва Чуст туманидан 28900 тонна дон қабул қилиб олиб, ундан 25500 тонна ун ҳамда 12500 тонна омухта ем маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Тегирмон цехи бир суткада 90 тонна 1 йилда 27000 тонна ун; омухта ем бир суткада 50 тонна 1 йилда 15000 тонна; нон маҳсулотлари суикада 3 тонна 1йилда 720 тонна маҳсулот ишлаб чиқариб, халқ истеъмол эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Жамиятда 12500 тонна дон сақловчи темир сиғим мавжуд.

“Попдонмахсулот” акциядорлик жамиятида махсулот ишлаб чиқариш босқичлари ва ишлаб чиқаришни амалга ошириш механизмлари ўзига хос бўлиб, уни 2.2-расмдан кўриш мумкин.



Манба: Муаллиф ишланмаси

2.2-расм. Махсулот ишлаб чиқариш жараёнлари босқичлари

Жамият таркибида Чуст дон қабул қилиш филиали ва Халқабод дон қабул қилиш шахобчаси мавжуд. 2015 йилда Давлат ресурсларига бошоқли дон харид қилиш бўйича Поп Чуст туманлари ширкат, фермер ва бошқа хўжаликлари билан 681 та контрактция шартномалари тузилган. Умумий дон қабул қилиш ҳажми 56800 тоннани ташкил этади. Шунингдек, Поп, Чуст туманларига экиш учун жамият томонидан 5250 тонна уруғлик етказиб берилди. Бундан ташқари керакли бўлган хом ашёлар жамият омухта ем махсулотини тўйимлилигини ошириш мақсадида фермер хўжаликлари ва бошқа корхоналар билан макка дони, арпа ва ут уни хом ашёси учун қўшимча шартномалар тузилган. Харид қилиш манбаалари пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3-жадвал

Корхонада ишлаб чиқариладиган махсулот ҳажмининг ўзгариши
(тонна ҳисобидан)

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йилнинг 2012 йилга нисбатан ўзгариши (-, +)
1	Ун жами	25041	24953	25050	9
2	Омухта ем	11790	11800	12000	210
3	Нон	541	657	692	151

Манба: «Попдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

2.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ортиб борганлигини кўриш мумкин. 2012 йил «Попдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида 25041 тонна 1-2 навли ун ишлаб чиқарилган бўлса, 2014 йил 25050 тонна 1-2 навли ун ишлаб чиқарилди. 2013 йилда эса бу кўрсаткич 24953 тоннани ташкил этган. Бунга сабаб аҳоли сонини ортиб бориши ҳамда унга бўлган талабнинг ошиши билан ҳам боғлиқдир. Аҳоли сони қанча кўп бўлса ун маҳсулотлари ҳам ўз навбатида шунга яраша кўпайиши лозим.

Корхонанинг иккинчи омухта ем ишлаб чиқариш бўлимида ҳам 2012 йил 11790 тонна, 2013 йил 11800 тонна, 2014 йил 12000 тонна омухта ем ишлаб чиқарилиб турли хўжалик ва кичик бизнес субъектларига сотилган. Корхона фаолиятини ривожлантириш бўйича маҳсулотларни диверсификациялаш асосида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйилган бўлиб, 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 151 тонна ортиб, 692 тоннага етди. Ушбу ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг амалдаги нархлардаги ифодасини қуйидаги 2.4-жадвалда кўриш мумкин.

2.4 -жадвал

Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми (минг сўм ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	2012йил	2013йил	2014йил	2014 йилнинг 2012 йилга нисбатан ўзгариши (-, +)
1	Солиштира нархларда	19760169	20895915	22391010	2630841
2	Амалдаги нархларда	19770185	21555956	22500821	2730636
3	Истеъмол моллари	19629990	21991513	23831397	4201407

Манба: «Попдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Жадвал маълумотларидан кўринадики, корхонанинг ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми қиймати кўрсаткичларда йилдан йилга ортиб борган. Корхона ишлаб чиқаришининг солиштира нархлардаги қиймати 2012 йилда 19 млрд. 760 млн. 169 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса 2014 йилга келиб 2 млрд. 630 млн. 841 минг сўм кўп, яъни 22 млрд. 391 млн. 10 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Бу ўсиш ўз ўзидан бўлмаган албатта:

2012 йил корхона 19 млрд. 629 млн. 990 минг сўмлик ицеъмол моллари чиқарган бўлса 2014 йилда бу кўрсаткич 23 млрд. 831 млн. 397 минг сўмга етган.

Албатта бундай ижобий натижаларга эришишда корхонада инсон ресурсларидан унумли фойдаланганлик даражасини юқорилиги билан бир каторда ишчиларни бор техника ва технологиялардан самарали фойдаланишда деб қараш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари «Попдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятида ишчи ва хизматчиларни ҳам ўз вақтида рағбатлантирилиб турилади жумладан, корхонада киши саломатлигига зарар келтирувчи шароитда ишловчиларга қўшимча иш ҳақилари ва корхонада бепул озик овқат берилади.

Шунингдек, акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш учун харажатларни камайтириш мақсадида кўплаб янгиликларни жорий этилган. Барча харажатлар-ёнилғи, электр энергия, газ, сув ресурсларини белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқариш цехларида ўлчагич асбоб-ускуналар ўрнатилган бўлиб, корхона шу орқали фаолият юрнтади.

2.5-жадвал

«Попдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг асосий воситалар харакати(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2012йил	2013йил	2014йил	2014йилнинг2012йилга нисбатан ўзгариши (-, +)
1	Бошланғич қиймати	3782183	4399647	5885652	2103469
2	Эскириш суммаси	467201	607070	692972	225771
3	Қолдиққиймати	3314982	3792577	5192680	1877698

Манба: «Попдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Корхонанинг асосий воситалар ҳолатини кўриб чиқадиган бўлсак 2012 йил 3 млрд. 782 млн. 183 минг сўмлик жами асосий восита бўлган бўлса, 2013 йил 4 млрд. 399 млн. 647 минг сўм 2014 йилда эса 5 млрд. 885 млн. 652 минг сўм бўлган. 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 2 млрд. 103 млн. 469 минг сўм кўп кўрсаткичга эришилган. Бунга сабаб комиссия томонидан асосий воситаларнинг қайта баҳоланганлигида воситаларнинг нархлари

ошганлигидир. Асосий воситаларнинг эскириши яъни амортизатсия суммаси 2014 йилда 692 млн. 972 минг сўм бўлиб, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 225 млн. 771 минг сўмга ошган.

Бизга маълумки, ҳар қандай корхонада ишлаб келинаётган асосий воситалар учун ҳам амортизация ажратмалари ажратилади. Бино ва иншоотлар, қурилишлар учун буларнинг қийматини 5 % ини, асбоб ускуна, машина жихозлар, енгил автомобил, мебель, инвентарлар, компьютер техникалари ва шунга ўхшаш воситалар учун 20 % ини, ҳаракатдаги таркиб; автомобил транспорти, юк автомобиллари ва шу кабилардан йиллик 15 % ҳисобида амортизация ажратмалари ажратилиб, келгуси фаолият учун жамғариб борилади. Бу маълумки, амортизация ажратмалари белгиланган меъёрлар асосида маҳсулотнинг таннархига киритилади.

Корхона ўз фаолияти давомида кўплаб иқтисодий масалалар бўйича янги турдаги асбоб-ускуналар, асосий воситалар ва ҳоказолар олиб келинди. Жамиятда 2014 йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, турларни кўпайтириш мақсадида замон талабларига мос сифатли ун ишлаб чиқариш учун:

-тегирмон цехига қўшимча 50 тонна бугдой маҳсулотини қайта ишлаб чиқариш қувватига эга дастгоҳларни ўрнатиш;

-чорва ҳайвонлари учун қишки ва ёзги бино қуриш;

-маъмурий биноларни таъмирлаш;

-чорва ҳайвонларини сотиб олиш.

Ушбу тадбирларни амалга оширилиши натижасида 2014 йил якунлари бўйича ўтган йилга нисбатан маҳсулот ҳажмининг жами 115 фоизга бажарилди, истеъмол молларининг жами 109 фоизга бажаришга эришилди, маҳсулот сотишдан соф тушум 163 фоизга бажарилди, соф фойдаси эса 164 фоизга бажарилди.

2.2. “Попдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг иқтисодий таҳлили

“Попдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятида ишловчилар сони 2014 йил 1 октябр ҳолатига 270 киши бўлиб, шундан асосий фаолиятда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф бўладиган ишчи кучи 260 кишини ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқаришда бевосита ва билвосита иштирок этишига қараб иш ҳақи тўлаш харажатлари ҳар хил усуллар билан тақсимланади. Жумладан, ишлаб чиқариш цехи ходимлари ва унга хизмат қилувчи ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи харажатлари ҳар бир ишлаб чиқариш цехи бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот тури ва навларининг миқдорига нисбатан мутаносиб тақсимланади.

2.6-жадвал

“Попдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятида ишловчиларнинг бўлимлар бўйича тақсимооти

T/№	Бўлимнинг номи	Сони	T/p	Бўлимнинг номи	Сони
1	Хизматчилар	43	7	Соқчилар	23
2	Тегирмон цехида	10	8	Нон цехи	20
3	Элеватор цехида	10	9	Омухта ем цехи	9
4	Юкчилар	22	10	Халқабод дон қабул қилиш	8
5	Механика бўлими	10	11	Чуст дон қабул қилиш филиали	27
6	Нурчилар	8	12	Бошқалар	48

Манба: “Попдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти маълумотлари

Умуман олганда, донни қабул қилишдан бошлаб, то маҳсулотни сотиш босқичигача ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган ишчилар бир неча хил вазифаларни бажаради. Масалан, донни қабул қилиш ва бирламчи ишлов беришда банд бўлган ишчилар, донни сақлаш жараёнида банд бўлган ишчилар, ун-ёрма ишлаб чиқаришдаги ишчилар, омухта ем ишлаб чиқаришдаги ишчилар, ёрдамчи ишлаб чиқариш ишчилари ҳамда ишлаб чиқаришга тааллуқли бошқа ишчи ва

ходимлар. Бундан ташқари бир ишчини ўзи бир вақтда бир неча маҳсулот тури ва навини ишлаб чиқаришда иштирок этиши мумкин.

Жамиятнинг 2014 йилда ишчи ходимларининг иш ҳақи фонди 2514720 минг сўм. Ўртача бир ишловчининг бир ойлик иш ҳақи 505420 сўмни ташкил этди. 2014 йилда ишчи ходимларни малакасини ошириш мақсадида шартнома тузилиб 15 нафар ишчи ходимни малака ошириш курсларида ўқитилди. Ушбу тадбирга ажратилган маблағ ҳажми 30000 минг сўмни ташкил этди.

“Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харидоргирлигини ошириш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда жумладан, маҳсулот турларини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш ва замон талаблари асосида ишлаб чиқариш шулар жумласидандир.

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун корхона, капиталини таркибини яхшилаш ва таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгадир. Корхона капитали таркибини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

2.7-жадвал

“Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти капиталининг таркибини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси

(минг сўм)

Т/№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йилнинг 2012 йилга нисбатан ўзгариши(+,-)
1.	Хусусий капитал	1816091	18911732	2059269	243178
3	Жами баланс	38072495	38315673	45013586	6941091
4	Узоқ муддатли қарзга олинган капитал	650876	802520	895519	244643
5	Узоқ муддатли активлар	4296613	5174608	6124796	1828156

Манба: “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти маълумотлари

Жадвал маълумотларига кўра, “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг хусусий капитали 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 243 млн. 178 минг сўмга ошиб, 2 млрд. 59 млн. 269 минг сўмни ташкил этди. 2014 йилда жами баланс

қиймати 4 5млрд. 13 млн. 586 минг сўмга тенг бўлиб, ўтган 2012 йилга нисбатан 6 млрд. 941 млн. 91 минг сўмга ортганлигини кўриш мумкин. Худди шу каби жадвал маълумотларидан жамиятнинг бошқа узоқ муддатли қарзга олинган капитал ва узоқ муддатли активлар ҳажми ҳам ўсганлигини кўриш мумкин.

1. Мустаққилик коэффиценти. Бу кўрсаткични аниқлаш учун хусусий капитал суммаси (пассив баланси I бўлим жами) баланси жами суммасига бўлинади.

2. Молиявий барқарорлик коэффиценти. Бу кўрсаткични аниқлаш учун: хусусий капитал плюс узоқ муддатли қарзга олинган капитал суммасини балансини жами суммасига бўлинади.

3. Маблағлар билан таъминланиш коэффиценти. Бу кўрсаткични аниқлаш учун хусусий капиталнинг қарзга олинган капитал суммасига бўлинади.

4. Инвестиция коэффицент. Бу кўрсаткични аниқлаш учун хусусий капитал суммасини узоқ муддатли активлар (баланси I актив бўлими жамига) бўлинади.

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан ва коэффицентларни аниқлаш усулларида фойдаланган ҳолда “Попдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг иқтисодий ҳолатига баҳо бериш мумкин.

2.8-жадвал

“Попдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятида капитали таркибининг таҳлили.

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2014 йил	Ўзгариши
1	Мустаққилик коэффиценти.	$\frac{1816091}{38072495} = 0.048$	$\frac{2059269}{45013586} = 0.046$	-0,02
2	Молиявий барқарорлик коэффиценти	$\frac{2466967}{38072495} = 0.65$	$\frac{2954788}{45013586} = 0.66$	0,01
3	Маблағ билан таъминланиш коэффиценти.	$\frac{1816091}{650876} = 2.8$	$\frac{2059269}{895519} = 2.3$	-0,5
4	Инвестиция коэффицент	$\frac{1816091}{4296613} = 0.42$	$\frac{2059269}{6124796} = 0.34$	-0,08

Манба: “Попдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Жадвал маълумотларидан кўринаяптики, жамиятнинг молиявий барқарорлик коэффициенти капиталининг 2014 йилда 2012 йилга нисбатан олганда 0,01 бирликка ўсган бўлса, қолган мустақилик коэффициенти 0,02, маблағ билан таъминланиш коэффициенти 0,5 ва инвестиция коэффициенти 0,08 бирликка камайганлигини кўриш мумкин. Аммо коэффициентларини бундай миқдорда ўзгариши жамият фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмайди. Шундай бўлсада жамият иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Энди “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харидорлигини ошириш борасида амалга ошираётган ишлардан бирини таҳлилини кўриб чиқайлик (2.9-жадвал).

2.9-жадвал

“Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи таҳлили

(минг сўм)

Т/№	Иқтисодий кўрсаткичлар	Йиллар			2014 йил 2012 й.га нисбатан, % да
		2012	2013	2014	
1	Ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми, жорий нарҳда	22391940	24580222	31537231	140,8
2.	Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи	20624884	21505425	28635125	138,8
3.	Бир бирлик маҳсулот таннархи, 1қ:2қ	1,1	1,14	1.1	-

Манба: “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2012-2014 йиллардаги ҳисоботларидан олинган

2.9-жадвал маълумотларига кўра, “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 38,8 фоизга ошган бўлсада, бирбирлик маҳсулот таннархи ўзгаришсиз қолган. Аммо 2013 йилга нисбатан олганда 0,04 фоизга камайтиришга эришилди.

Ушбу ижобий натижага эришиш Президентимиз томонидан мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун “Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича дастур”да белгиланган қуйидаги комплекс чора-тадбирларни жумладан,

- корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш;

- қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш;

- электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш каби белгиланган устувор вазифаларни амалиётга тадбиқ этиш деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Корхона томонидан олиб борилган ижобий ишлар жумладан, мамлакатимизда озиқ овқат маҳсулотлари билан аҳолини таъминлаш ва кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонларда келтирилган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш натижасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди (2.10-жадвал).

2.10-жадвал

“Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти фаолиятининг 2012-2014 йиллардаги айрим молиявий натижалар кўрсаткичи таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

Т/ №	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йил й.га (+,)	2012 нисбатан, (+,)
1.	Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот	19770185	21555956	25133860		5363675
2.	Тайёр маҳсулот сотишдан тушум	22391940	24580222	31537231		9145291
3.	Маҳсулот таннархи	20624884	21505425	28635125		8010241

Манба: “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятидан олинган маълумотлар

“Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти 2012-2014 йилларда қуйидаги молиявий натижаларга эришган:

- корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот ҳажми, 2012 йилда 19 млрд. 770 млн. 185 минг сўмни ташкил этган, 2013 йилда 2012

йилга нисбатан– 9,0 фоиз ва 2014 йилда 2013 йилга нисбатан эса – 16,6 фоизга ортиришга эришиб, 25 млрд. 133 млн. 860 минг сўмга етказилган;

- тайёр маҳсулот сотишдан тушум 2012 йилда эса 22 млрд. 391 млн. 940 минг сўмни ташкил этиб, 2014 йилда 31 млрд. 537 млн. 231 минг сўмга етказилганлигини кўрсатиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 44,0 фоизга кўпайган;

- сотилган маҳсулот таннари эса 2012 йилда олдинги йилга нисбатан 5,4 фоизга, 2013 йилда 4,3 фоиз ва ниҳоят 2014 йилда эса 33,2 фоизга ўзгарган.

Ушбу мавзу доирасида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг ўрнини билиш мақсадида унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашни лозим деб топдим. Чунки, “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг иқтисодий салоҳияти қанчалик юқори бўлса, жамиятнинг салоҳияти ҳам юқори бўлиши боис бу борада асосий корхона ҳисоботларидан олинган статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун бир қатор иқтисодий нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш натижаларини аниқлаш ва таҳлил этиш талаб этилади(2.11-жадвал).

2.11-жадвал

“Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятида асосий воситалар рентабеллиги таҳлили

(минг сўм)

Т/№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йилнинг 2012 йилга нисбатан ўзгариши, %
1.	Асосий воситаларнинг йиллик ўртача қиймати	4122564	4399647	5885652	142,8
2.	Соф фойда	61333	84621	107250	175,0
3.	Асосий воситалар рентабеллиги %	1,5	1,9	1,8	0,3

Манба: “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти маълумотларидан олинган

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, жамият асосий воситалари қиймати жорий йилда 2012 йилга нисбатан 42,8 фоизга ошиб, 5 млрд. 885 млн. 652 минг сўмга етган. Соф фойдаси 2014 йилда 2012 йилга нисбатан

75,0 фоизга ошиб, 107 млн. 250 минг сўмга етган. Жамиятда асосий воситалар рентабеллиги 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 0,3 фоизга ўсган бўлиб, бу ўз навбатида соф фойданинг ўсишига нисбатан асосий воситаларнинг йиллик ўртача қиймати кўпроқ ўсганлиги бу эса янги техника ва технологиялар билан корхонани жиҳозлашда давом этаётганлигидан далолат беради.

2.12-жадвал

“Попдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятида харажатлар рентабеллиги таҳлили

Т/№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йилнинг 2012 йилга нисбатан ўзгариши, %
1.	Жами харажатларнинг йиллик ўртача қиймати	3225648	3459871	3803354	118,0
2.	Соф фойда	61333	84621	107250	175,0
3.	Харажатлар рентабеллиги %	0,2	2,5	2,8	2,6

Манба: “Попдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти маълумотларидан олинган

“Попдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятида йиллик харажатлар миқдори 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 18,0 фоизга ошган бўлиб, 3 млрд. 803 млн. 354 минг сўмга етган. Бунда харажатлар жумладан, давр харажатлари – 743 млн 174 минг сўм, маъмурий харажатлар – 312 млн. 36 минг сўм ва бошқа харажатлар миқдори – 431 млн. 137 минг сўмга камайтирилиб, харажатлар рентабеллиги 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 2,6 фоизга ошган.

Хулоса қилиб айтганда корхонани молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири бўлиб, уларнинг молиявий барқарорлик даражалари ҳисобланади. Корхоналарни тўлов қобилияти-бу уларни ўз активлари ҳисобига қисқа муддатли ва узоқ муддатли мажбуриятларини ўз муддатида бажаришга тушунилади. Агар корхонанинг умумий активлари уларни ташқи қарзаларидан кўп бўлса бундай корхоналарни тўлов қобилиятига эга корхоналар дейилади.

III-BOB.IQTISODIЁTNI MODERNIZACIYALASH SHAROITIDA SANOAT KORXONALARINI RIVOJLANTIIRISHNI ЙЎЛЛАРИ

3.1. Саноат корхоналарини ривожлантиришнинг меъёрий -ҳуқуқий асослари

Саноат корхоналари ривожланишининг ташкилий ҳуқуқий формалари бизни Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ тўғри йўлга қўйилган.

Хусусан олиб қарайдиган бўлсак:

Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунга кўра тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллаари қуйидагилардан иборат:

- яқка татибдаги меҳнат фаолияти;
- айрим фуқаро томонидан ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга ошириладиган жамоа тадбиркорлиги;
- бир гуруҳ фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамоа тадбиркорлиги;
- юридик шахслар ва фуқаролар ўз мулклари ва мулкрий ҳуқуқларини бирлаштириш асосида амалга ошириладиган ҳамкорликдаги тадбиркорлик.

Айни вақтда, иқтисодиётнинг саноат тармоқларида тадбиркоркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари, яъни тадбиркорлик ташкилотлари (корхоналар) тузилади. Ўзбекистонда тадбиркорлик ташкилотларини тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади.

Саноат корхоналари ривожланишининг ташкилий-ҳуқуқий тизимида яқка меҳнат фаолияти хусусий тадбиркорлик фаолиятининг энг оддий шакли бўлиб, айни вақтда мамлакатимизда анъанавий кадимги бир катор соҳаларда ғоят ривожланганлиги билан ажралиб туради. Яқка меҳнат фаолияти

хунармандчилик ва оилавий меҳнат анъанаси билан чамбарчас боғлиқдир. Меҳнат фаолиятининг оммавийлиги қонун ҳужжатларида уни амалга оширишнинг энг соддалаштирилган тартибларида белгиланган. Чунончи, юридик шахс ҳосил қилмай, қонун ва ҳужжатларда рухсат этилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатдан ўтказиш тўловини олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади. Шунингдек, лицензия асосида йўл қўйиладиган яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари (яқка шифокор(врач)лик, фармацевтика ва бошқалар) Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва махсус низомлари билан тартибга солинади.

Айни вақтда махсулотларни тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар муайян мажбуриятларни бажаришлари (жумладан, мунтазам тиббий кўрикдан ўтиш) шарт. Ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан фойдаланса, у юридик шахс ҳисобланади ва тадбиркорликни Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Мулкчилик тўғрисида"ги қонунлари ва бошқамеъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширишга мажбур.

Ишлаб чиқариш кооперативлари санаотда фаолият юритишнинг ташкилий ҳуқуқий шакли бўлиб, йирик товар хўжалиги эканлиги билан ажралиб туради. Саноатда ишлаб чиқариш кооперативи фуқароларнинг шахсий иштироки ва аъзо (иштирокчи)ларнинг мулкий пай бадалларини бирлаштиришларига асосланган бўлиб, биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолияти юритиш учун аъзолик асосида тузиладиган ихтиёрий бирлашмадир.

Саноатда ишлаб чиқариш кооперативи тижорат ташкилоти ҳисобланади ва матлубот кооперативидан фарқ қилади (матлубот кооперативида олган даромадалар унинг аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас). Саноат

корхоналари ривожланишинининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари тизимида корхоналар ва жамиятларининг ҳар хил турлари етакчи ўрин тутди.

Корхона умумий ном остида биргаликда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун бир нечта шахснинг бирлашувидир. Корхона тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун бир шахс ёки бир нечта шахснинг мулкларини бирлаштириш (ажратиш) йўли билан ташкилланадиган корхонадир.

Корхона ва жамиятлартўлиқ командит, маъсулияти чекланган жамият, қўшимча маъсулиятли жамият, акционерлик жамияти каби шаклларга эга. Иштирокчилари корхона номидан ўзаро тузилган шартномага мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан биргаликда шуғулланадиган ва корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли барча мулк билан жавобгар корхона тўлиқ корхонадир. Иштирокчиларнинг бир қисми корхона фаолияти билан боғлиқ зарар учун қўшилган сумма ёки бадаллар чегарасида таваккал қиладиган ва ширкат амалга оширадиган тадбиркорлик фаолиятида иштирок этмайдиган корхона командит корхона деб айтилади.

Маъсулияти чекланган жамият устав фонди (сармоя) таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдордаги улушларга бўлинган, бир ёки бир неча шахслар томонидан таъсис қилинган жамиятдир. Бу жамият иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзи қўшган бадал қиймати доирасида таваккал қилади. Маъсулияти чекланган жамиятнинг таъсис ҳужжати таъсисчилар имзолаган шартнома ва таъсисчилар тасдиқлаган уставдир (агар маъсулияти чекланган жамиятни бир киши таъсис ҳужжати устав ҳисобланади).

Қўшимча маъсулиятли жамиятда иштирокчилар унинг умумий мажбуриятлари бўйича (жамиятнинг мулки етишмаганда) қўшимча равишда ва тўлиқ шерикликдагидек бутун ўз мулклари бўйича тўлиқ эмас, балки ўзлари қўшган бадалга қаррали равишда (уч қарра, олти қарра ва хоказо) жавобгар бўлади.

Акциядорлик жамияти - хўжалик жамияти шаклларида бири. Акционерлик жамиятларини тузиш ва фаолиятини ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилинган "Акционерлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун орқали тартибга солинади. Ушбу Қонуннинг иккинчи моддасига кўра устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян акциялар сонига бўлинган хўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти деб юритилади.

Акциядорлик жамияти (АЖ) очик турда ва ёпик турда бўлади. Очик турдаги акциядорлик жамияти акциядорлари ўзларига тегишли акцияларини бошқа акциядорларни розилигисиз эркин тасарруф қила оладиган жамиятдир. Чиқарилган акцияларга очик обуна ўтказиш ва уларни эркин сотиш ҳуқуқига эга. Таъсисчиларнинг энг кам сони ва акциядорларнинг сони ҳам чекланмаган.

Ёпик турдаги акциядорлик жамияти - акциялар фақат унинг таъсисчилари ўртасида белгиланган шахслар доираси ичида тақсимланадиган жамият бўлиб, унинг таъсисчилари камида уч киши, акциядорлар сони эса эллик кишидан ортмаслиги лозим.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти ва муносабатларининг жадал ривожланиши негизда миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги билан интеграциялашуви кўшма корхоналар юзага келди ва иқтисодиётда муҳим ўрин тутмоқда. Кўшма корхона мамлакат ҳудудида хорижий инвестор иштирокида барпо этилган корхонадир. Кўшма корхонанинг устав фондига ҳар бир иштирокчининг ҳиссаси муддати, ҳажми, тартиби баҳоланиши таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Кўшма корхоналар Ўзбекистон ҳудудида тузилиши, унинг филиал ва ваколатхоналари бошқа мамлакатларда ҳам бўлиши мумкин. Кўшма корхоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти Ўзбекистон ҳудудида тузилиш фаолияти Ўзбекистонда амалдаги қонунларга асосланади.

Умуман, хўжалик субъектлари тижорат ва нотижорат ташкилотларига бўлинади. Тижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдан иборат. Нотижорат ташкилотлари (диний, турли жамоат, халқаро ташкилотлар) нинг асосий мақсади эса фойда олиш эмас, балки беғараз ёрдам кўрсатиш бўлиб, фойда олинган тақдирда ҳам корхона аъзолари ўртасида тақсимланмайди.

Саноат корхоналари ривожланишининг ташкилий-ҳуқуқий шакли турли мулкчилик кўринишлари, капитал эгалари мақоми, олинган фойда ва зарарларни тақсимланиши, хўжалик субъектлари иштирокчиларнинг сони, мулкӣ масъулият ва жавобгарлик, мол-мулк манбалари ва бошқариш билан ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишдаги ҳозирги босқичида масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) кенг тарқалди. Бундай жамият бир ёки бир нечта шахслар томонидан таъсис этилади. Унинг устав капитали таъсисчилар ҳужжатларида аниқланган улуши миқдорига бўлинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг мажбуриятлари бўйича унинг иштирокчилари жавоб бермайдилар. Улар жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалари қиймати доирасида жавобгардирлар.

Масъулияти чекланган жамиятдан фарқли қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Демак, жамият мажбуриятлари бўйича ҳамма иштирокчилар шериклик (солидар) асосида каррали миқдорда бир текисда қўшимча (субсидиар) жавобгар бўладилар. Бунда иштирокчилардан биронтаси банкрот бўлса, жавобгарлик бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланиши ҳам назарда тутилади.

Замонавий шароитларда тадбиркорликнинг кенг тарқалган шакли акционерлик жамиятлари ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги давлат ва

маҳаллий корхоналарни хусусийлаштириш йўли билан яратилади. Акционерлик жамиятида унинг устав фонди муайян миқдордаги акцияларга бўлинган бўлади. Унинг иштирокчилар акционерлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, лекин жамият фаолиятини амалга оширишдан келиб чиққан зарарлар учун уларнинг акциялари қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Жамиятнинг мажбурияти бўйича акционернинг жавоб бериши ҳақида ҳам қоида назарда тутилади. Бундай қоида акциялар ҳақини батамом тўламаган акционерларга таалуқлидир. Улар ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида жамият мажбурияти бўйича биргаликда жавобгар бўладилар.

Акционерлик жамияти очик ва ёпиқ бўлиши мумкин. очик жамият иштирокчилари ўзларига тегишли акцияларни қолган акционерларнинг розилигисиз бошқа шахсларга беришлари мумкин. Бундай жамият ўзи чиқарган акцияларга очик обуна ўтказишга ва уларни эркин сотишга ҳақлидир. Ёпиқ акционерлик жамиятнинг очик акционерлик жамиятидан фарқи, унда акциялар фақат ўзининг таъсисчилари (иштирокчилари) орасида ёки олдиндан белгилаб қўйиладиган бошқа шахслар доирасида таҳсимланади. Бундай жамият ўзи чиқарган акцияларга очик обуна ўтказишга ёки уларни сотиб олиш учун чекланмаган шахслар доирасида бошқача тарзда тавсия этишга ҳақли эмас. Ёпиқ акционерлик жамият акциялари ушбу жамиятнинг бошқа акционерлари сотадиган акцияларни сотиб олишда устивор ҳуқуққа эга.

Шўъба ва қарам корхоналарга қуйидаги тариф берилган. Устав фондига ҳисса қўшишда хўжалик жамиятида иштирок этган жамият шўъба хўжалик жамияти дейилади. Устав фондида иштирок устун мавқега эга бўлган хўжалик асосий хўжалик дейилади. Хўжаликларнинг шўъба ва асосий даражага эга бўлиши улар ўртасида тузилган шартномалар асосида ёки бири иккинчисининг қарорларига мувофиқ иш тутиши билан ҳам ифодаланади.

Қарам хўжалик жамиятлари анча бошқа иқтисодий статусга эга. Хўжалик жамиятида қатнашувчи жамиятнинг бири 20 %дан кўпроқ ёки

масъулияти чекланган жамиятнинг устав фондининг йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлса, иккинчи жамият қарам хўжалик жамияти дейилади. Бундай жамият ҳам юридик шахс ҳисобланади.

Тадбиркорлик корхоналарининг ўзига хос ташкилий ҳуқуқий шаклларида бири ишлаб чиқариш кооперативлари ҳисобланади. Фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларнинг иштирокчиларнинг мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориши учун аъзолик негизида ихтиёрий бирлашмаси ишлаб чиқариш кооперативи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида кооперация жисмоний ва юридик шахсларнинг турли хил иқтисодий ва ижтимоий фаолият соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий расмийлаштирилган ширкат (жамоа) мулки шаклига асосланган ўз хоҳиши билан бирлашуви (кооперативлар)ни ўзида акс эттиради.

Унитар корхоналар тадбиркорлик корхоналари ўртасида алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзи мулк эгаси бўлмасдан унга мулкдор томонидан берилган мулк асосида фаолият юритувчи тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади. Унитар корхонанинг мол-мулки бир бутун бўлиб, бўлинмасдир ва унга қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) корхона ходимлари ўртасида ҳам тақсимланмайди.

Унитар тарзда фақат давлат ва муниципал корхоналар тузилиши мумкин. унитар корхонанинг мол-мулки давлат ёки маҳаллий ҳокимиятнинг мулки ҳисобланиб, унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи билан берилади. Хўжалик юритиш ҳуқуқига эга корхона мулкдор ва ваколатли органнинг қарорига мувофиқ, оператив бошқариш ҳуқуқига эга корхона Ўзбекистон Республикаси мулки асосида Ўзбекистон ҳукумати қарорига асосан ташкил этилади. Хусусий тадбиркорлик - хўжалик юритишнинг шундай ташкилий ҳуқуқий шакли-ки, унда мулк эгаси битта шахс ёки оила бўлади ва фаолиятдан келган даромадни ҳаммасига эгалик қилади, бизнесдаги хавф-хатар ва таваккалчилик учун яқка ўзи жавоб беради.

3.2. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарни ривожлантириш истиқболлари

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодийни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намойён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодийда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислох қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодийларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат таҳсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодийига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда

аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимизни тақозо этилади.

Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2014 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, 2015 йилда республикаimizдаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилдиб.

Унга кўра, иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

- таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

- қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал

⁶ “2015 yilda iqtisodiyotimizda tub tarkibiy ўzgarishlarni amalga oshirish, modernizatsiya va diversifikatsiya jarayonlarini izchil davom ettirish hisobidan xususiy mulk va xususiy tadbirkorlikka keng yo'l ochib berish – ustuvor vazifamizdir”. O'zbekiston Prezidenti Islom Karimovning mamlakatimizni 2014 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2015 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma'ruzasi. // Xalq so'zi. №11., 17.01.2015 y.

ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узок муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

- аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

- мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

-банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустақкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ҳамда самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади.

Мазкур жараённинг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда аҳоли фаровонлигига таъсирини ҳар томонлама ва жиддий баҳолаган ҳолда иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини тақминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш каби тамойиллар асосида амалга оширилиши ўзининг долзарблиги ва ҳаётийлигини яна бир бор ўз тасдиғини топди.

“Биз истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилган, машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан-йилга илгарилаб борганимиз сари ўзини амалда оқлаб, нақадар тўғри ва пухта эканини исботламоқда, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор”.

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига асосан иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларни амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари. Ушбу Фармонда қуйидаги қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам

бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- давлат бюджетидан 491 млрд.сўмдан ортиқ маблағлар тижорат банклари устав жамғармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришга йўналтириш орқали банклар томонидан экспорт қилувчи корхоналарга, айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;

- иқтисодиётда инфратузилмани тубдан яхшилаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида «Ўзбек миллий автомагистрали» лойиҳасини, яқин 4 қаторли халқаро автомобиль йўли қурилишини амалга ошириш;

- кичик бизнес ва тадбиркорликни, айнан янги ташкил қилинаётган кичик корхоналарни имтиёзли кредит ресурслари орқали қўллаб-қувватлаш ва ҳоказо.

Ўз моҳиятига кўра ушбу чора-тадбирлар иқтисодиётимизни ривожлантириш мазмунини ҳам ифода этиб, уларнинг изчил ва тўлиқ амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлаш учун қулай шарт-шароит ва имкониятларни яратади.Мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб олинди. Жумладан:

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор,иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, мамлакатимиз етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган ва изчил равишда амалга ошириб келинмоқда

Бу ўринда мазкур тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини тақминлаш имконини беради.

Иккинчидан – ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

– айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

– тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш;

– банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш.

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Шу мақсадда яқинда хўжалик юритувчи субъектларнинг Иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маққулланганини қайд этиш лозим.

Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналарида

амалий тажрибалар ўтказиб кўрилди. Жумладан, “Попдонмаҳсулотлари” очик акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари таннархини 20%га камайтириш бўйича 2014 йилда учун ўтказилган амалий тажриба орқали таннархни оптималлаштиришнинг қуйидаги усуллари қўлланилди:

- импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш (-24%);
- материаллар сарфи меъёрларини қайта кўриб чиқиш(-0,06%);
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш (-0,05%);
- фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш (-2%);
- ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш (-0,3).

Умумий ҳолда “Попдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти маҳсулотлари таннархини оптималлаштириш орқали корхонада ишлаб чиқарилаётган ун, кепак ва нон маҳсулотлари ускуналарини таннархларини 17% га, ушбу асбоб ускуналарни бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш дастури бўйича олиб борилган чора тадбирлар асосида таннархини 22% га пасайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ҳозирда таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Масаланинг яна бир муҳим томони - мазкур соҳалардаги нархлар даражасини тартибга солиш билан бир қаторда, уларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини тақминлашни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Тўртинчидан – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари аҳамиятли ўрин тутди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳозирда 2009 йилга саноат кооперация негизида тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури жорий этилди. Унга кўра мамлакат миқёсида корхоналарда ишлатиладиган станок ва асбоб ускуналарни айрим бутловчи қисмларини “Мехмаш” ОАЖ томонидан амалда бажариш мақсадида корхона ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат Наманган вилояти, балки, республикамизининг барча вилоятларига етказиб бермоқда. Айниқса, бу вазифани бажаришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш катта ўрин тутмоқда. Ушбу дастур доирасидаги лойиҳалар ҳажмини 3-4 баробар кўпайтириш мўлжалланмоқда

Юқорида кўриб чиқилган асосий вазифаларнинг изчил ва оғишмай бажарилиши пировардида корхона иқтисодиётининг янада барқарор ва юқори суръатлардаги ўсиши ҳамда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларини камайтиришга имкон яратади.

ХУЛОСА.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу маҳсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Иқтисодий ислохотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бундай ва бошқа бир қатор тадбирлар 2011-2015 йилларга мўлжалланган, Саноат тармоқларини ривожлантириш дастурини самарали амалга оширишни ҳуқуқий тақминлаш, дунёдаги санокли давлатлар қаторида Ўзбекистонга Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг ўрни ва ролини ошириш ҳамда саноат корхоналарининг самарали фаолиятини таъминлаш маҳсадида ушбу мавзу танланиб, улар ечимини топиш йўлида тадқиқотлар ўтказилди. Бу тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Саноат ишлаб чиқаришни интенсив ривожланишга олиб боровчи омиллар гуруҳига қуйидагиларни киритиш лозим:

- Ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш
- Маҳсулот сифати
- Меҳнат қуроллари
- Меҳнат буюмлари
- Ишлаб чиқариш технологиялари
- Ишлаб чиқаришни ташкил этиш
- Корхонанинг хўжалик алоқалари
- Маркетинг фаолияти
- Бозордаги ўрни ва бозор ҳиссаси

2.Ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш. Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар материал сиғими юқори бўлган маҳсулотлардир. Шу сабабли корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар таркибида материал сиғими пастроқ бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қўйиш орқали материал ҳаражатларини камайтиришга эришишимиз мумкин. Бунда, албатта бозор талабларини эсдан чиқармасликка ҳаракат қилинади.

3.Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини оширишга олиб борадиган тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш. Маҳсулот сифати ва рақобатбардошлилиги даражасининг ортиши саноат корхонасидаги самарадорликнинг ортишида асосий омил ҳисобланади. Чунки, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот ўз сифати ва нархи бўйича талабга жавоб бериши лозим. Акс холда, бозорда сотилмасдан ўз ҳаридорини кутиб туриши натижасида, корхонанинг зарур маблағлари маҳсулот шаклида туриб қолади, айланма русурсларнинг айланиш даври узайиб кетади, йилдаги айланишлар сони камаяди. Буларнинг бари корхона фойда ва самарадорлигини пасайишига олиб бориши мумкин.

4.Ишлаб чиқаришдаги меҳнат қуроллари, буюмлари ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш. Янги, самарали, юқори унумли машиналар, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар ва янги технологик жараёнлар яратиш. Янги техника, дастгоҳлар, мосламалар ва технологик жараёнларда юқори сифатли Рақобатга бардош берадиган, кам ҳаражатлар билан тайёрлаш мумкин бўладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

5.Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш. Ишлаб чиқаришда қатнашаётган меҳнат буюмлари, қуроллари ва меҳнатнинг мос холдаги ҳаракатини йўлга қўйиш, уларнинг ҳар биридан самарали фойдаланиш, исрофгарчиликнинг олдини олиш ва сифатли маҳсулот яратиш йўлида тинимсиз ҳаракат қилиш лозим. Хом ашё ва бошқа материалларни ўз ваўтида етказиб беришни таъминлаш, барча турдаги таъмирларни ўз вақтида

ва меъёрларга амал қилган ҳолда ўтказиш, дастгоҳларнинг иш вақтидан самарали фойдаланиш орқали самарадорликнинг ортишига эришамиз.

6.Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашув даражасини ошириш. Маълум турдаги харидорлар маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашув саноат корхоналаридаги меҳнат унумдорлигини ортишига олиб боради, ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини муттасил равишда яхшиланиб боришини таъминлайди. Шу билан биргаликда, корхона ичида ҳар бир бўлим ва ҳар бир иш жойида ихтисослашув даражасини ошириш ва бажараётган иши учун маҳсулиятни ўз устига олиш ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда истиқболда саноат корхоналарининг ялпи ички маҳсулотодаги улушини ошириш, унинг иқтисодий ўсишидаги салмоғини кўтариш учун юқоридаги йўналишларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон,2009.-40б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. Т.: «Шарқ», 1998 (янги тахрир).
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.–Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. –Б. 344.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни. -Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 3 - Т.: Адолат, 2004. – 7-9 б.
5. “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги Қонуни. // Солиқлар ва божхона.газетаси. 1999, №4.–Б. 1-2.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябр, ПФ-4053-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини та’минлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 28 ноябр, ПФ-4058-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январ, ПҚ-1041-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябр, Ф-4010-сон.
10. “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26

февралдаги ПФ-4191-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 9 сон – 2010- 9 март.

11. “Баркамол авлод йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида: ЎзР Президентининг Фармойиши. 2009 йил 9 декабрь //Халқ сўзи. -2009. - № 238. – мо декабрь. – 1 б.

12. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 26.01.2009 й. N ПҚ-1046

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони// Халқ сўзи, 2005 , 15 июн.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” Фармони// Халқ сўзи, 2005,15 июн.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъерий ҳужжатлари

15. О мерах по дальнейшему развитию и модернизации предприятий текстильной промышленности и расширению производства отечественных непродовольственных потребительских товаров на 2009-2011 годы: Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 августа 2009 года № 236 //Собрание законодательства Республики Узбекистан – 2009. - № 34. – 372.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби” тўғрисида

Қарори//Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 54 – сон, 1999 декабр. – Т.:Ўзбекистон. Адлия вазирлиги., 2000.-15-20 б.

17. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ. 1999 йил 5 февраль. – Т.:Ўзбекистон,1999.- 92 б.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

18. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.

19. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.

18. И.А.Каримов. “2008 йилда республикани ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза” “Халқ сўзи”, 2009 й.14 феврал, № 33-34 (4696-4697)

20. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз –жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 136 б.

21. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Халқ сўзи, 2006 йил 25 феврал.

22. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

23. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўладиЎзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 18.01.2014.

V. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

24. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения Учебник. – М.: Юрист, 2001.. – 368 с.

25. Агапова Т.А. Серегина С.Ф.Макроэкономика тесты учебное пособие изд. «АСА» 2003. –357с.

26. Адамов В.Е. Факторный индексный анализ. – М.: Статистика, 1997. – 416 с.

27. Афанасьев В.Н., Юзбашев М.М. Анализ временных рядов и прогнозирование. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 288 с.

28. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт – Т.: Дарслик. 2004. – Б. 240.

29. Балабанов И.Т. и др. Внешнеэкономические связи: учеб.пособ. – М.: ФиС, 1998. – 512 с.

30. Баканов М.И., Мельник М.В., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. 5-е изд. – М.: Финансы и статистика, 2006. – 536 с.

31. Байзаков С.Б. Оптимизация региональной экономики – М: Наука, 1998.

32. Байхонов Б.Т.Результаты распределения межотраслевой инвестиции в экономике Республики Узбекистан–М.: Экономика и Финансы, 2001. № 2-3–С. 44-45.

33. Бекмуродов А.Ш.ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. –Т.: ТДИУ, 2005. – 310 б.

34. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар.Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2007. – 102 б

35. Бекмуродов А.Ш., У.В. Гафуров, Б.К.Тухлиев. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2008. – 120б.

36. Васильков В.Ю., Василькова И.Н. Компьютерные технологии в математическом моделировании. Учеб.пособие для вузов– М., “Ф и С”, 2005.

37. Велинские П.Л., Левшец В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов: Теория и практика: учеб. Пособ. –3-е изд. –М.: Дело, 2007.

38. Воробьёв С.Н. Управление рисками в предпринимательстве. М.: Дашков и К, 2009. – 772 с.

39. Воркуев Б.Л. Модели макроэкономика М.ТЕИС. 2009. 230с.

40. Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций. Учебное пособие –М: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К о»2006 –138 стр.

41. Гулямов С.С. Климат для инвесторов, – Т.: Труд, 2005. – Б. 156.

42. Данильцев А.В. Международная торговля. Инструменты регулирования: учебно-практическое пособие. –Изд. 2-е перераб. –М.: Деловая литература, Палеотип, 2006.–313 с.

43. НазароваГ.Г., НазароваР.Р., Юсупов А.С. Жаҳон иқтисодиётига интеграллашув: тажриба ва амалиёт–Т.: ТДИУ, 2005

44. Парсаданов Г.А.Прогнозирование национальной экономики –М.: Высшая школа, 2007 г.

45. Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. –С.П. 2010.

46. Ходов Р.Г. Государственное регулирование национальной экономикой. учебник. – М.: Экономист, 2008. –620 с.

47. Шермет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа деятельности коммерческих организаций. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 237с.

VI. Интернет сайтлари

48. www.gov.uz–Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали

49. www.press-service.uz–Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Матбуот хизмати расмий сайти

50. www.mfer.uz–Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти

51. www.UzA.Uz–Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти